



электрон газетанинг QR кодини ўзингизга юклаб олинг!

info@adolatgzt.uz
www.adolat.uz
adolatgzt-95@mail.ru
t.me/Gazeta_Adotat
adolat24.uz/



ВА ИШОНЧ КЎПРИГИ

Муносабат

Халқимизда “Кўшнинг тинч, сен тинч” деган доно нақл бор. Кўшнингиз тинч бўлсагина кўнгилга хурсандчилик сиғади, хонадонингизга шодиёна, тўйлар ярашади.

21 июль санасида Ўзбекистонга кўшни давлатлардан бири ҳисобланган Қирғизистон Республикасининг Чўлпонота шаҳрида Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Қозоғистон раҳбарларининг норасмий учрашуви бўлиб ўтди.

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг тўртинчи Маслаҳат учрашуви ҳам асрлар давомида бир-бировига қавм-қариндош бўлиб яшаб келаётган халқлар ва давлатлар ўртасидаги азалий дўстлик, ишонч ва ҳамжиҳатлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга қаратилди. Дунёнинг турли бурчакларида содир бўлиб турган таҳликали вазиятларни инобатга олган ҳолда тарихимиз, қадриятларимиз, урф-одатларимиздаги уйғунликлар асосида янада яқдил бўлиш, бу борада амалга оширилиши лозим бўлган келгусидаги режалари борасида фикр алмашиш учрашувининг асосий мақсад ва вазифаларини белгилаб берди.

“Буғун қайта-қайта таъкидланганидек, ушбу форматда йўлга қўйилган мулоқот тўғрисида биз дўстлик ва яхши кўшчилик муносабатларини мустаҳкамлашга, минтақада мутлақо янги конструктив ҳамкорлик муҳитини яратишга эришимиз.

Биз Марказий Осиёнинг ҳаёфсизлиги ва барқарорлигини, барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш бўйича мураккаб вазифаларни изчил ҳал этиб келмоқдамиз”, – деди давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев учрашувда сўзлаган нутқида.

Давлат раҳбарининг фикрларига кўра, бугун минтақа тинчлиги, барқарорлиги ва фаровонлиги ҳамжиҳатлик ҳамда Марказий Осиё умумий манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича қатъий чоралар қўришга боғлиқ.

Кўни-кўшчилик муносабатлари, энг аввало, ўзаро ишонч туйғуларига асосланади. Ўзаро ишонч бўлмаган жойда ҳамкорлик, яқдиллик борасидаги қарашларга ҳеч қандай ўрин йўқ. Бундай мулоҳазалар давлатлар ўртасидаги муносабатлар устида борганида эса янада жиддийлик касб этади.

Давлат раҳбарининг сўзларига кўра, минтақавий ҳамкорликнинг стратегик йўналиши ҳавфсизлик соҳаси ҳисобланади. Минтақа ҳавфсизлиги, энг аввало, ҳамкорлик қанчалки самарали йўлга қўйилганига боғлиқ. Учрашув давомида минтақаларимизнинг жадал суратда ривожланиб бораётган соҳалари қаторида, оқсатган, жамият ва давлат истиқболига тўсиқ бўлаётган унсурлар борасидаги масалалар ҳам муҳокама этилди. Ўзбекистон Президенти долзарб масалалар юзасидан ўз нуқтаи назарини баён этиб, кўп қиррали муносабатларни янада мустаҳкамлаш ва минтақада амалий ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган қатор тақлифларни илгари сурди.

Қирғизистон Республикасида бўлиб ўтган мазкур учрашув ҳамкор давлатларнинг барчаси учун салмоқли, самарали, муваффақиятли бўлишига умид билдиради. Зотан, дўстлик ва ишонч ёрқин истиқболга эришиш йўлидаги кўприқдир.

“Адолат” СДП Матбуот хизмати

ФАВҚУЛОДАДА ҲОЛАТ РЕЖИМИ МУДДАТИДАН ОЛДИН БЕКОР ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг мурожаатини ҳамда ҳудудда жамоат тартиби тикланганлигини, фуқароларнинг ҳавфсизлиги, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси таъминланганлигини инобатга олиб, Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида фавқулода ҳолатнинг амал қилишини 21 июль кўни соат 05:00 дан бошлаб муддатидан аввал тугатиш тўғрисидаги фармонни имзолади.

Фавқулода ҳолатнинг муддатидан олдин тугатилганлиги жамоатчилигимиз томонидан қизғин қўллаб-қувватланмоқда. Ўз вақтида кўрилган чоралар, ўрнатилган қатъий тартиблар сабаб, давлатимиз ва жамиятимиз ҳаётига таҳдид солиши мумкин бўлган муҳим ҳолатларнинг олди олинди. Айнан мана шундай оқилона сиёсат сабаб, Қорақалпоғистонда фавқулода ҳолат режимини муддатидан олдин бекор қилишга муваффақ бўлинди.

Қорақалпоғистондаги айрим кўштирноқ ичидаги халқпарварлар бошлаган кутку сабаб оддий халқ азият чеқди. Ваҳоланки, ўзбеклар билан азал-азалдан меҳр-оқибат туйғулари билан чамбарчас боғланган, бир тану бир жон бўлиб Ватани ва давлати ривожга йўлида сидқидилдан меҳнат қилиб келувчи қорақалпоқ халқи ардоқ ва эъзозга муносибдир. Ўзбекистон Республикаси Бош қомусида белгилаб қўйилганидек, давлатимиз фуқаролари давлат ва жамият олдидаги мажбурият ва бурчларини тўлақонли адо этган ҳолда, қонунларимизда кўрсатилган барча ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга-дирлар.

“Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши Президентимизнинг Қорақалпоғистонда ўрнатилган фавқулода ҳолат режимини муддатидан олдин тугатиш борасида имзолаган фармонини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди. Юртдошларимизни эса барчамизнинг энг олиқ мақсадимиз, давлатимиз ва жамиятимизнинг фаровон ҳаёти ва ривожга йўлида ҳамма ҳамжиҳат бўлишга чорлаб қоламиз. Зотан, Ватан ягонадир, Ватан биттадир.

“Адолат” СДП Матбуот хизмати

Фракция фаолияти: МАҚСАДИМИЗ УЛУҒВОР ВАЗИФАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ

Сайловолди дастуридаги мақсад ва вазифаларни амалга оширишда партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси алоҳида ўринга эга. 2020 йилдан парламент янги таркибида сайланган жами 24 нафар депутатлар билан фракцияни йўлга қўйган “Адолат” СДП фракцияси бугунги кунда 22 нафар фаол депутатлар билан иш олиб бормоқда. Улар Қонунчилик палатасидаги мавжуд 12 та қўмитага тақсимланган бўлиб, бугунги кунда қонун ташаббускорлиги, назорат-таҳлил тадбирлари, аҳолини қийнаётган муаммоларни ечиш ва партиямиз гоё ва мафкурасини ҳаётга татбиқ этишда ўз қўмиталарида фаол иштирок этиб келмоқда.

Айни пайтда партиямиз ўз электро-рати манфаатларини ҳимоя қилиш, Сайловолди дастурида илгари сурилган гоё ва ташаббусларни амалга ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда кўпгина соҳаларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш бўйича қатор ишлар амалга оширилгани қувончли, албатта.

2021 йил ва 2022 йилнинг ўтган даври мобайнида фракция депутатлари қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда 8 та қонун лойиҳасига ҳаммуаллиф бўлди. Яхлит тарзда 2 та қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилди ва қабул қилинди.

Мазкур ташаббуслар билан қонун лойиҳаларида сайловларнинг муддатини октябрь ойига ўтказиш, хорижда истиқомат қилаётган Ўзбекистон фуқаролари дипломатик ваколатхоналарнинг консуллик ҳисобида бўлиши ёки бўлмағлидан қатъий назар сайловчилар рўйхатига киришти тартибини белгилаш, веб-сайт ёки веб-сайт эгалари, шу жумладан, блогерларнинг оммавий тартибсизликлари ва зўровонлиқни даъват этиш, аҳоли ҳавфсизлигига таҳдид солувчи ёлгон маълумот тарқатиш, зўравонлик ёки шафқатсизликни тарғиб қилиш, ҳуқуққа хилоф ҳаракатларни содир этиш мақсадида ахборот тарқатишларига қарши қонунчилик нормаларини такомиллаштириш, кассация инстанцияси судининг ҳусусий ажрим чиқариш тартибини белгилаш, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексини такомиллаштириш ва суд амалиётидаги муаммоларни бартараф этиш мақсадида унга суд муҳока-

маси муддатининг судлар томонидан узайтирилиши ҳақидаги ўзгаришлар киритилди.

Мазкур қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишда фракция аъзолари томонидан фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини тўлақонли ифода этишга, жойлардаги ўрганишлар давомида аниқланган муаммо ва камчиликларга ечим топишга, шунингдек, фуқаролар билдирган тақлиф ҳамда фикр-мулоҳазаларга алоҳида эътибор берилди.

Шунингдек, айни кунларда умумхалқ муҳокамасида бўлган «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини такомиллаштиришда ҳам фракция аъзолари фаоллик кўрсатмоқда.

Мазкур қонун лойиҳаси Конституциямизнинг 60 дан ортиқ моддаларига 200 дан ортиқ тузатишларни назарда тутмоқда. Конституцияга ўзгаришлар “инсон – жамият – давлат” принципи асосланган бўлиб, миллий Конституциявий ўзликини акс эттиради ва амалдаги Конституциямизнинг барча бўлимларига туб ўзгаришлар киритишини назарда тутди.

Таъкидлаш лозимки, Конституциявий тузатишлар, авваломбор, жамиятнинг турли ижтимоий қатламларига мансуб бўлган фуқароларнинг шахсий, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий ва экологик ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини таъминлашга, ҳимоя қилишга қаратилган тўғридан-тўғри ишлайдиган нормаларга айланади.

Эътибор берайлик, Ўзбекистон ҳуқуқий, ижтимоий, дунёвий демократик давлат эканлиги белгилаб қўйилмоқда.



Зухра ИБРАГИМОВА, “Адолат” социал-демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари

“Инсон ҳамда фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлатнинг олий мақсади” эканлиги белгиланмоқда.

Киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар аввало, “инсон қадрини ўз ичига олган тамойилни рўйга чиқаришга қаратилган бўлиб, фуқароларнинг меҳнат, ижтимоий ва экологик ҳуқуқларини, шу жумладан, аҳолининг эҳтиёжидан қатламлари ҳуқуқларини Конституциявий жиҳатдан кафолатлашни кўчатиради. Бунда:

– ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан турли чекловлар ўрнатилиши, шунингдек, уларнинг объектлар ва хизматлардан фойдаланиши учун шарт-шароитлар яратишдан бўйин товлаш тақиқланмоқда;

– давлат аҳолининг ижтимоий эҳтиёжидан тоифаларининг ҳаёти сифатини оширишга, уларга жамият ҳаётида бошқа фуқаролар билан тенг равишда иштирок этиши учун шароитлар яратишга ҳамда ўзининг ҳаётий эҳтиёжларини мустақил равишда таъминлаш имкониятларини

кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирлар кўриши белгиланмоқда;

– давлатнинг ижтимоий хизматлар тизимини ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратиши, пенсиялар, нафақалар ва ижтимоий ёрдам кўрсатишнинг бошқа турларини тайинлаши мустаҳкамланмоқда;

– пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдам кўрсатишнинг бошқа турлари расман белгиланган энг кам истеъмол харажатларидан кам бўлиши мумкин эмаслиги аниқ кўрсатилмоқда;

– ҳомилдорлиги ёки боласи борлиги сабабли аёлларни ишга қабул қилишни рад этиш, уларнинг иш ҳақини камайтиришини тақиқлаши, болалар меҳнатидан фойдаланиш қонунга биноан жавобгарликка сабаб бўлиши Конституция билан белгиланмоқда.

Конституцияга киритилаётган қатор тўғрилишлар оила институтини янада мустаҳкамлашга қаратилган. Бунда:

– никоҳ аёллар ҳамда эркакларнинг икътисодий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асослангани;



ТИРИКЛИК МАНБАИ
Олтиндан қиммат неъматга айланади



О, ЕМАКХОНАЛАР!.. ҚАНИ КУТУБХОНАЛАР?!

Биз шундайлар қилмасак бўлмайди, авлод чаламулла бўлиб қолаётти. Ҳосиласи эса аниқ кўришиб турибди: бекорлик, меҳрсизлик, ҳурматсизлик, қадриятларга бепасандлик, жиддий масалалар, масалан, турмушга енгилтақлик билан қараш (ажралишларнинг эр-макка айланб қолгани), ҳатто юмор ҳиссининг етишмаслиги ва бошқа кўнгилхиралликлар (қай бирини санаймиз?!). Уларнинг ҳар бирини алоҳида даволаб бўлмайди (худди гўзани аввал бегона ўтдан тозалаш, кейин яғана, кейин культивация қилган каби), балки барчасининг ёппасига давосини қилиш лозим. Бу даво эса инсоннинг фаришталик хислатини юксалтириш, уни ҳайвондан ажратиб, дунёнинг чинакам хилқатига айлантириш билан амалга оширилади. Бир сўз билан айтганда, ҳашамдор тўйхоналар ёнида улардан қолишмайдиган кутубхоналар қуриш, бу масканларни аҳоли энг кўп ташриф буюрадиган эшиги муттасил очик даргоҳга айлантириш...



Фракция фаолияти: МАҚСАДИМИЗ УЛУҒВОР ВАЗИФАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ

— давлат оилани тўлақонли ривожлантириш учун зарур бўлган ижтимоий ва иқтисодий шарт-шароитларни яратиши, кўп болали оилаларга имтиёзлар ҳамда ижтимоий кафолатлар берилишини таъминлаши;

— бола манфаатлари, болаларнинг жисмоний, ақлий ва маданий жиҳатдан тўлақонли ривожланиши учун барча шарт-шароитларни яратиши давлат сиёсатининг энг муҳим устувор ўнгилиги эканлиги конституциявий мустақамланмоқда.

Қонун лойиҳасида фуқароларга маънавий ва маънавий хизмат кўрсатиши, уларнинг соғлом табиий муҳитда яшаш ҳуқуқларини таъминлашининг конституциявий механизмлари кучайтириладигани Бунда:

— Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тиббий ёрдам кўрсатишининг қонунда белгиланган кафолатланган ҳажмини белуло олишга ҳақли эканлиги қатъий ўрнатилмоқда;

— давлат соғлиқни сақлашнинг давлат, хусусий ва бошқа тизимларини ривожлантириш бўйича зарур чора-тадбирларни кўриши, санитари-эпидемиологик осойишталикни кафолатлаши, тиббий сугуртанинг турли шакллари ривожлантириш учун имкониятлар яратиши белгиланмоқда;

— давлат Оролбўйининг экологик тизимини муҳофаза қилиши ва тиклаши, уни ижтимоий, иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожлантириш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўриши назарда тутилмоқда.

Конституцияга киритилаётган қўшимча ва ўзгаришларда таълимни, илм-фани, миллатни ва хусусан, ёшларни маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашнинг аниқ конституциявий кафолатлари ҳам назарда тутилмоқда. Бунда:

— давлат мактабгача таълим ва тарбияни ривожлантиришга кўмаклашиши, ҳар бир боланинг умумий ўрта таълимга доир диллиқ таъбирлардан ўтишига бўлган ҳуқуқи кафолатланмоқда;

— давлат белуло умумий ўрта таълимни, шунингдек, танлов асосида давлат таълим ташкилотларида белуло олий маълумот олиш ҳуқуқини мустақамланмоқда;

— алоҳида эътиборга ва индивидуал имкониятларга эга бўлган болалар учун инклюзив таълим ва тарбияни ташкил этиши белгиланмоқда;

— давлат иқтисодий ёшларнинг моддий аҳолидан қатъи назар, таълим олиши давом эттирилиши кафолатланмоқда;

— таълим муассасалари ва ташкилотларнинг хусусий ва бошқа шакллари ривожлантириш учун давлат тенг шароитлар яратиши назарда тутилмоқда.

Шунингдек, қонун лойиҳасида педагог ходимларнинг мақомини ҳар томонлама мустақамлаш жамият ва давлатнинг энг муҳим вазифаси деб эътироф этилиши, педагог ходимларнинг ҳуқуқлари, шаъни ва обрў-эътибори давлат ҳимоясида эканлиги конституциявий кафолатланмоқда. Шунингдек, педагог ходимларнинг касбий фаолиятига аралашшига, уларнинг хизмат мажбуриятларини бажаришига монелик қилишга йўл қўйилмаслиги қатъий белгиланмоқда.

Албатта, Асосий қонунимизга киритилаётган бу каби нормалар мамлакатимизнинг барқарор тарққилишини таъминлашга ва юртимиз тинчлигини янада мустақамлашга, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

Ҳозир мазкур қонун лойиҳаси умумхалқ муҳокамасидан ўтмоқда. Бу жараён 1 августга давом этади ва умумхалқ муҳокамаси натижаларидан келиб чиққан ҳолда қонун лойиҳаси янада такомиллаштирилади. Шундан сўнг, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги консти-

туциявий қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси референдумига қўйилиши кутилмоқда.

Ўтган даврда ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий аҳамиятга эга муҳим қонун лойиҳаларини жойларда кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиш, қонунларни такомиллаштиришда фуқароларнинг таклиф ва мулоҳазаларини эътиборга олиш борасидаги ишларга ҳам устувор аҳамият қаратилди.

Фракция томонидан партия Сайлов олди дастуридан келиб чиққан ҳолда қонун лойиҳалари ва Қонунчилик палатаси қарорлари лойиҳалари юзасидан партиянинг қўйи тизимидан таклифлар олиш ва умумий позицияни шакллантириш йўлга қўйилди. Партия тизимида "Фракция – марказ – вилоят – туман" тартибда ишлайдиган тизим жорий этилди.

Хусусан, ишлаб чиқилган тизим бўйича дастлаб фракцияга келиб тушадиган қонун лойиҳалари ва Қонунчилик палатаси қарорлари лойиҳалари бўйича фикр ва таклифлар олиш, амалиётдаги муаммоларни таҳлил қилиш учун фракция ижрооти котиби орқали партиянинг Марказий аппаратига тезкор такдим этилиши, шу куннинг ўзида Марказий аппарат томонидан партиянинг ҳудудий ва маҳаллий кенгашларига қонун лойиҳаларини етказиш белгиланди. Шундан сўнг партия экспертлари, маҳаллий Кенгаш депутатлари ва бошланғич партия ташкилотлари томонидан таклиф ва тавсиялар берилиб, улар партиянинг туман ва шаҳар кенгашлари ҳамда ҳудудий кенгашлари томонидан умумлаштирилган таклифларни партия Марказий аппарати юбориш амалиёти йўлга қўйилди.

Ўз навбатида, партия Марказий аппарати ҳудудлардан келган таклифларни умумлаштириб, фракцияга юбориш амалиёти жорий этилди.

Шундай тизим орқали фракцияга такдим этилган қонун лойиҳалари бўйича билдирилган фикр ва таклифларни фракция йиғилишларида муҳокама қилиш амалиёти жорий этилди. Тизимни жорий этиш натижасида ҳисобот даврида 23 та қонун лойиҳалари бўйича партиянинг қўйи тизимидан фракцияга 140 дан ортиқ таклифлар такдим этилди.

Хусусан, фракция томонидан "Деҳқон ҳўжалиги тўғрисида"ги, "Психиатрия ёрдами тўғрисида"ги, "Транспорт тўғрисида"ги, "Судлар тўғрисида"ги ва "Давлат мулкни бошқариш тўғрисида"ги қонун лойиҳаларини такомиллаштириш ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги айрим ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жазоларни енгиллаштириш, "Сайлов тўғрисида"ги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, интеллектуал мулк объектларининг ҳуқуқий муҳофазасини таъминлаш, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини бериш тизимини соддалаштириш, айниқса, мамлакатда коррупцияга қарши курашиш тизимини янада ривожлантириш бўйича қонун ҳужжатларини тайёрлашда фракция депутатларининг фаол иштирокини таъминлаш ва аксарият таклифлар қонун лойиҳаларида ўз аксини топди.

Фракция қонун лойиҳаларини кўриб чиқишда партия электротанининг манфаатларини ҳимоя қилиш, Сайлов олди дастурда белгиланган мақсад ва вазифаларни рўйга чиқаришга алоҳида эътибор қаратди. Шундан келиб чиқиб, фракция Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилган бир қатор қонун лойиҳалари юзасидан ўзининг қатъий позициясини билдириб келмоқда.

Натижада қонун лойиҳаларига бир қанча янги нормалар киритилиб, уларни такомиллаштиришга эришилди. Хусусан, фракциянинг партия позициясидан келиб чиққан ҳолдаги таклифи асосида:

— Қонунчилик палатаси муҳокамаси учун киритилган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатлари тўғрисида"ги консти-

туциявий қонун лойиҳаси киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси "Адолат" СДП фракцияси томонидан концептуал жиҳатдан маъқулланган бўлса-да, бироқ унинг алоҳида моддаси фракция аъзоларининг қаттиқ эътирозига сабаб бўлди. Натижада фракциянинг ушбу моддани қонун лойиҳасидан чиқариб ташлаш ҳақидаги таклифи Қонунчилик палатасида қўллаб-қувватланди.

Хусусан, қонун лойиҳасидаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилаётган электр, иссиқлик энергияси, газдан фойдаланиш қондаларини бузиш билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқиш ваколатини Мажбурий ижро бюросидан ички ишлар органларига ўтказиш масаласи фракция аъзоларининг танқидига учради.

Чунки ички ишлар ходимлари бу соҳалар бўйича мутахассис бўлмаганлиги боис, улар маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш давомида қатор муаммоларга дуч келишлари мумкин. Бундан ташқари, ушбу норма қабул қилинса, келгусида тизимда коррупциявий ҳолатларнинг келиб чиқишига ҳам сабаб бўлиши мумкинлиги қайд этилди.

Фракциянинг мазкур таклифи Қонунчилик палатаси ялпи йиғилишида кўпчилик депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди. Овоз бериш натижаларига кўра ушбу модда қабул қилинмади ва қонун лойиҳаси қайта кўриб чиқиш учун масъул кўмитага қайтарилди.

Шунингдек, "Қўриқлаш фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳасини дастлабки тарзда кўриб чиқишда ҳам қатор эътирозлар билдирилди. Жумладан, қонун лойиҳасида қўриқлаш функцияси битта давлат органида эмас, балки бир неча давлат органларининг вазифасига кириши масаласи етарлича ўзининг тўлиқ аксини топмаганлиги, қонун лойиҳаси ва унинг тушунтириш хатида халқаро стандартлар ва нормалар, халқаро шартномалар талаблари ижросини таъминлашга оид ахборот киритилмаганлиги, лойиҳада коррупциявий омилиларни келтириб чиқарувчи нормалар ҳам ўз аксини топганлиги танқидларга сабаб бўлди ва ташаббускорлар томонидан камчиликлар бартараф этилишига эришилди.

Шунинг билан бирга, фракция аъзолари ҳар бир қонун лойиҳаларини муҳокама этишга алоҳида аҳамият қаратиб келди. Фракция томонидан долзарб масалалар юзасидан мансабдор шахсларнинг ахборотини Қонунчилик палатаси мажлисларида эшитиш бўйича ташаббус билан чиқиш, шунингдек, улар фаолияти устидан таъсирчан парламент ҳамда депутатлик назоратини амалга ошириш борасида муайян ишлар амалга оширилди.

Шунга кўра, ўтган даврда фракция ташаббуси асосида қонунларнинг, турли соҳалардаги давлат дастурларининг ижроси, шунингдек, ҳудудлардаги ўрганишлар давомида аниқланган тизимли камчилик ва муаммоларни ҳал этишга қаратилган "парламент эшитиш" ҳамда "ҳуқуқ соати"да ўз таклиф ва ташаббусларини билдириб келмоқда.

Фракция таклифига кўра, сайловчиларни ўйлантириб келаётган муаммоларни ҳал этиш, депутатларнинг аҳоли билан ўтказиётган мулоқот ва учрашувлари давомида кўтарилган масалалар бўйича тушунтириш бериш ёки нўқтани назарини баён этиш талаби билан давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига жами 2 та парламент сўрови юборилди.

Айтиб ўтилганлар Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги «Адолат» СДП фракцияси фаолиятининг айрим қирралари, холос. Албатта, ютуқлар – ўзимизники, бироқ биз ўз фаолиятимизга танқидий-тахлил қўз билан қараган ҳолда партияимиз Сайлов олди дастурида қўйилган вазифаларни изчиллик билан бажариб боришимиз лозим. Ватанимиз равнақи йўлида янада самаралироқ ишлашимиз, сайловчиларнинг мустақам ишончини қозонишимиз керак. Бу эса келгуси сайловлардаги муваффақиятимизнинг бош омили ҳисобланади.

Мазкур сўровларга белгиланган тартибда жавоб қайтарилиб, ҳуқуқат томонидан уларда кўтарилган масалаларни ҳал этиш бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

2021 йил ва 2022 йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида фракция аъзолари томонидан сайловчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш борасидаги ишларга жиддий эътибор қаратилиб, жойлардаги назорат-таҳлил тадбирлари, сайлов округларидаги ўрганишлар давомида аниқланган долзарб масалалар юзасидан давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари раҳбарларига жами 50 га яқин депутат сўрови юборилди.

Жойлардаги тизимли муаммолар, қонун ва қонуности ҳўжатларининг ижро этилиш ҳолати юзасидан тегишли мансабдор шахсларнинг ҳисоботлари фракция мажлисларида доимий тарзда эшитиб борилди. Бунда фракция томонидан қатор назорат-таҳлил тадбирлари доирасида аҳолини қийнаётган долзарб масалалар ўрганилди ва ечим юзасидан мутасаддиларга зарур таклиф ва тавсиялар киритилди.

Фракция томонидан бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини жамоатчиликка етказиш, муҳим тармоқ ва соҳаларда мавжуд муаммоларни муҳокама қилиш ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан тегишли таклифларни ишлаб чиқишга бағишланган қатор тадбирлар ўтказилмоқда. Бунда фракция аъзоларининг жойларда аҳоли билан ўз-ўзига мулоқот қилиш, фуқароларни ўйлантириб келаётган тизимли муаммоларни аниқлаб, ҳал этиш чораларини кўриш, мурожаатлар билан ишлаш ҳамда қонун лойиҳаларини такомиллаштиришда одамларнинг таклифларини кўриб чиқиш ва инобатга олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Фракция аъзолари томонидан ҳудудларга чиққан ҳолда қатор назорат-таҳлил тадбири ўтказилиб, уларда жамият ҳаёти учун муҳим бўлган қонун лойиҳаларининг ижро этилиш ҳолати, жойлардаги мавжуд тизимли муаммолар, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда олиб борилаётган ислохотлар самарадорлиги атрофлича ўрганилмоқда.

Фракциянинг қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил фаолияти ҳамда ҳудудларда ўтказилган сайловчилар билан юзма-юз мулоқотлари жараёнири оммавий ахборот воситаларида мунтазам равишда ёритиб борилмоқда. Хусусан, 2021 йил ва жорий йилнинг ўтган даври мобайнида «Адолат» СДП фракцияси аъзолари томонидан сайловчилар билан мулоқот қилиш ҳамда парламент фаолияти билан кенг жамоатчиликни хабардор қилиш мақсадида ОАВда жами 8 мингдан ортиқ, хусусан, телевидениеда 2,5 минг марта, радиода 800 га яқин, матбуотда 1400 га яқин, интернет сайтлари ва ижтимоий тармоқларда 2600 дан ортиқ марта таҳлилий мақола ва интервьюлар билан чиқишлар қилинди.

Таъкидлаш жоизки, ҳисобот даврида фракция аъзолари «Facebook» ижтимоий тармоғидаги ўз саҳифалари орқали сайловчилар билан мустақам алоқа ўрнатган ҳолда, Қонунчилик палатаси фаолияти ҳақида уларни мунтазам хабардор қилиб бормоқдалар.

Бу эса халқ вакилларининг қонун лойиҳаларини кенг жамоатчилик ўртасида муҳокама қилиш, одамларни ўйлантираётган масалаларни кўриб чиқиш қўламини янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Сайёр қабул

“Адолат” СДП Хоразм вилоят кенгаши раиси, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Хоразм вилоят филиали директори, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Тоҳир Палвановнинг Хива шаҳар 6-сонли умумтаълим мактабида тумандаги “Тули рай-хон”, “Катта куч” маҳалласида яшовчи сайловчилар билан сайёр қабули бўлди.

ДЕПУТАТНИНГ БИР КУНИ



Очиқ мулоқот шаклида бўлиб ўтган қабул давомида фуқароларни қийнаб келаётган, жумладан, тиббиёт, бандлик, коммунал ва бошқа соҳалар бўйича бир қатор муаммо ва камчиликлар сайловчилар томонидан баён этилди.

Лобархон Бобожонова кўндан бошидаги қаттиқ орғик безовта қилиб келаётгани тўғрисида баён этди. Мурожаатчи турмуш ўртоғи чет элда ишлаётгани учун таъминотда қийинчиликлар бўлаётгани хусусида гапириб, моддий томондан ёрдам сўради. Депутат Т.Палванов бу масалага оидинлик қилиб, мурожаатчига тегишли ҳужжатлар асосида тикув машинаси олиб бериладиган бўлди. Саломатлиги бўйича қилган мурожаатига асосан, вилоят Онкология марказида белуло тиббий кўриқдан ўтказилди ва керакли муолажа олиши белгиланди.

Юлдуз Абдиримованинг соғлигидан қилган шикоят ҳам қаноатлантирилиб, ушбу мурожаатчи ҳам вилоят Онкология марказида текширувдан ўтказилди ва керакли тиббий ёрдам кўрсатилганидан бўлди.

Гулнора Жабборованинг турмуш ўртоғи ҳамда ўзи қанд касалибига билан қийналиб келаётгани хусусида баёни ҳам эътиборга олинди, ўрганиш ишларидан сўнг муаммо бартараф этиладиган бўлди.

Маъмура Худойберганова 2-босқич қанд касалига дучор бўлган саккиз яшар ўғлига қараб турганлиги учун нафақа тайинлашишида амалий ёрдам сўради. Т.Палванов жойининг ўзида тегишли ташкилот билан суҳбатлашди ва мурожаатчининг фарзанди касаллигининг оғир босқичида эмаслиги боис, нафақа тўланмаслиги маълум бўлди.

Шоҳноза Сапаева саккиз яшар қизининг соғлиги яхши эмаслиги, оёқлари, боши ва кўзларида орғик безовта қилаётгани тўғрисидаги мурожаати, Шаҳноза Матчанованинг 9 яшар қизининг бошида орғик безовта қилаётгани тўғрисидаги мурожаатлари қаноатлантирилиб, кўп тармоқли вилоят болалар шифохонасида текширувлардан ўтказилди ва керакли тиббий муолажалар белгиланди.

Ёркиной Жуманиёзованинг бир неча йилдан буён ишсиз эканлиги борасидаги мурожаати ҳам депутат томонидан эътиборга олинди, вилоят бандлик бош бошқармаси директори номига депутатлик сўрови чиқариладиган бўлди.

Мақсуда Сапарованинг онаси Назирабегим Абдуллаева 2019 йилдан буён онкологик касаллик билан орғиб, аҳоли ёмонлашиб бораётгани, моддий томондан қийинчиликларга дуч келаётгани тўғрисидаги мурожаати ҳам эътиборга олинди ва унга вилоят Онкология марказидан зарур бўлган барча тиббий ёрдамлар бериладиган бўлди.

Бир сўз билан айтганда, депутат Т.Палвановнинг бир кунлик хизмат сафари, ҳар бир сайловчиси билан дидан ва самимий муомаласи, аниқланган муаммоларни жойининг ўзида тезкор ҳал этаётганлиги унинг халқ хизматидоги ҳақиқий ноибларидан бири эканлиги кўрсатади.

Замира АБДУЛЛАЕВА, Хоразм вилоят кенгаши матбуот котиби

ҲАР БИР МУРОЖААТ ЭЪТИБОРДА

«Адолат» СДП Бухоро шаҳар кенгаши раиси Ж.Жўраев, халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгаши депутатлари О.Рафиева, Г.Равшанова ҳамда Бухоро шаҳар Кенгаши депутати А.Собиров партиянинг «Муаммо билан юзма-юз» лойиҳаси доирасида шаҳардаги «Тўқимачи» МФЙда яшовчи аҳоли билан очиқ мулоқот ўтказиб, уларни қийнаётган муаммолар ҳамда таклифларни ўрганди.



Учрашув чоғида фуқаролар томонидан турли мазмунда мурожаатлар бўлди. Жумладан, ҳудудда истиқомат қилувчи Зулхумор Шаропова иш билан бандлик масаласида депутатлардан амалий ёрдам сўраб, мурожаат қилди. Яна бир фуқаро Мавлуда Рахмонова пластик жарроҳлик амалиёти учун маблағи етмаётганлигини маълум қилиб, депутатлардан ёрдам сўради. Ушбу маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи яна бир фуқаро Зилола Севинова 2009 йилда туғилган ўғли Фарход Абдумуҳимовнинг кўли травмотолог врач томонидан нотўғри операция қилинганини айтиб, қайта операция қилишда амалий ёрдам сўради.

Депутатлар муаммоларни тинглар экан, ўзларининг бу борада таклиф ва тавсияларини билдирилган ҳамда уларнинг ечимлари хусусида тўхталдилар. Шу билан бирга, депутатлар фуқаролар мурожаатларига ечим топиш мақсадида тегишли ташкилотлар билан биргаликда керакли вазифаларни белгилаб олдилар.

Бухоро вилоят кенгаши матбуот хизмати

Депутатлик гуруҳларида

22 ФУҚАРО ИШЛИ БЎЛДИ

Юртимизда Янги Ўзбекистонни барпо этиш борасида кенг қамровли ишлар олиб борилапти. Партияимиз дастурида белгиланган вазифаларнинг самарали бажарилиши, халқ билан мулоқотларда кўтарилган масалалар ечимининг ўз вақтида таъминланиши «Адолат» СДП нуфузини янада оширишни чуқур англаган халқ депутатлари Қарши шаҳар Кенгаши депутатлари ўз фаолиятларини замон талабларига мос равишда олиб боришга астойдил ҳаракат қилишмоқда.

Жумладан, депутат Акмал Бегматов «Чармгар» МФЙда яшовчи фуқаролар билан тез-тез мулоқот уюштириб, одамларнинг дарду ташвишларини енгиллаштиришга ҳисса қўшапти. Депутат жорий йилнинг 10 июнида Нормурод Каримов хонадонида бўлганда, оила етакчиси даволаниш учун ордер олишда ёрдам сўраган эди. Депутат вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси орқали унга ордер олиб берди.

Шунингдек, депутат А.Бегматов «Буюк Турон», «Темирўйчулар» маҳалласида яшовчи кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилаларнинг 14 нафар фарзандлари ҳамда уйда ўтирган 8 нафар қон-қизларнинг бандлигини таъминлашда бегараз ёрдам кўрсатди. Натижада 22 нафар фуқаро ижтимоий фойдала меҳнат билан шуғуллана бошладилар.

Қашқадарё вилоят кенгаши матбуот хизмати

ИНСОН МАНФААТЛАРИ ҲАММА НАРСАДАН УСТУН



Музафара АБДИЕВА,
«Адолат» СДП фракцияси аъзоси

Бош қомусимизнинг 13-моддасида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади, дейилган. Бугун умум-халқ муҳокамасида бўлган Конституциявий қонун лойиҳасида ушбу моддага инсон ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳимоя қилишни кучайтириш билан боғлиқ қўшимчалар киритилаётгани бежиз эмас.

Жорий йилнинг 20 июни куни Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувида "Инсон қадри учун" ғояси Конституциянинг мазмунига чуқур синдирилиши буйича ҳам таклиф киритилгани бежиз эмас эди. Зеро, бугунги кунда амалга оширилаётган барча ислохотларимиз замирида инсон қадрини улуғлашдек ғоя мужассамлигини ҳаммамиз кўриб, гувоҳи бўлиб турибмиз.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш масаласи халқимиз учун фаровон ва муносиб турмуш шароитини яратиб беришга қаратилган демократик ислохотларнинг бош мезонига айланиб бормоқда.

Инсон қадрини юксалтириш ва унинг шаъни, ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ҳурмат қилиш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини унинг миллатига, динига, ижтимоий аҳолига, сиёсий ва бошқа эътиқодига қараб чеклашлар йўқ. Зотан, инсонни улуғлаш, уни муҳофаза қилиш ва ҳар томонлама қамол топтириш кенг қўламли ислохотларимизнинг диққат марказидаги масала бўлиб турибди.

Таклиф этилаётган ўзгаришга қўра, мазкур моддада инсоннинг шаъни ва қадр-қимматини, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш, уларга риоя этиш, уларни ҳимоя қилиш давлатнинг мажбурияти сифатида белгиланмоқда. Ушбу қўшимчанинг қабул қилиниши билан инсон қадрини юксалтириш, ҳақиқатан давлат ҳокимияти органларининг конституциявий бурчи ва устувор вазифасига айланади.

Шу билан бирга, инсонга нисбатан ҳуқуқий таъсир чораси давлат органи томонидан қўла-

надиган қонуний мақсадга эришиш учун етарли бўлиши ҳамда манфаатдор шахсларга имкон қадар қийинчилик туғдирмаслиги кераклиги билан боғлиқ қоида Конституцияда ўз ифодасини топиши муҳим аҳамиятга эга.

Конституциявий ислохотлар жараёнида кўп бора Конституциявий комиссия аъзолари ҳамда жамоатчилик томонидан эътироф этилган таклиф – инсоннинг давлат органлари билан ўзаро муносабатларида қонунчиликда юзага келадиган, бартараф этиб бўлмайдиган барча қарама-қаршиликлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига талкин қилиниши 13-моддага қўшимча сифатида киритилиши кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикасида ҳар қандай давлат органининг фаолияти инсон ва жамият фаровонлигига хизмат қилишга, уни юксалтиришга қаратилганлиги билан киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар муҳим аҳамиятга эга. Давлат ўз вазифасини тегишли органлари орқали амалга оширад экан, ижтимоий адолат ва қонунчиликка амал қилиши лозим. Демократик ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим шартларидан бири инсон ва шахс манфаатларининг ҳамма нарсадан устуворлигидир.

Хулоса қилиб айтганда, Конституция-мизга киритилаётган қўшимчалар орқали давлат демократия ва инсон ҳуқуқларининг умумэтироф этилган ғоялари ва қадриятларига, шунингдек, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларга содиқлигини яна бир бор намоён этилади. Бундан ташқари, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қонунчиликнинг янада такомиллашши, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш, уларга риоя этиш, уларни ҳимоя қилиш борасида қўшимча Конституция-вий ҳуқуқий кафолатлар белгиланади.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ва эркинликларини ҳурмат қилиш буйича олиб борилган барча ҳаракатлар халқаро ҳужжатларга тўлиқ мос келади ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда фаолият олиб борилмоқда.



Фирюза МУҲИТДИНОВА,
Тошкент давлат юридик университети профессори

ФУҚАРОЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ КАФОЛАТЛАНАДИ

БМТ билан йирик халқаро лойиҳалар амалга ошириб келинмоқда. Ўзбекистон БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқиш ташаббуси билан чиққанидан барчамиз хабардормиз. БМТнинг ташкилотлари, инсон ҳуқуқлари буйича махсус маърузачилар институти билан ҳамкорлик мунтазам тарзда такомиллашиб бормоқда. Жумладан, мамлакатимизга ташриф буюрган БМТнинг Инсон ҳуқуқлари буйича Олий комиссари, Инсон ҳуқуқлари буйича кенгашининг дин ва эътиқод эркинлиги ҳамда судьялар ва адвокатлар мустақиллиги масалалари буйича махсус маърузачиларнинг тавсияларини бажариш юзасидан амалий ишлар амалга оширилмоқда.

Эътиборли томони, Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари буйича 80 дан ортиқ халқаро ҳужжатларга, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 6 та асосий шартномаси ва 4 та факультатив протокоliga қўшилди. Бу ҳужжатларда Ўзбекистон ўз зиммасига олган мажбуриятларини бажариши юзасидан БМТнинг Инсон ҳуқуқлари буйича кенгаши ва шартномавий қўмиталарига мунтазам равишда миллий маърузалар тақдим этиб келмоқда. Мамлакатда экологик таълимни ривожлантириш концепцияси амалга оширилмоқда. Ўзбекистон иқлим ўзгаришлари буйича Париж битимига қўшилгани ҳам диққатга сазовор.

Бундай ўзаро ҳамкорлик натижасида ташқи сиёсатда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш буйича алоқаларнинг бутунлай янги шакллари ва натижалар қайд этилди. Жумладан, инсон ҳуқуқлари буйича Самарқанд декларацияси қабул қилинди. Ўзбекистон «Самарқанд руҳи»ни амалга ошириш буйича «Йўл харитаси»ни тасдиқлади. Ислоҳ ҳамкорлик ташкилотининг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Тошкент декларацияси қабул қилингани ҳам мазкур соҳадаги янги қадамлардандир. Ўзбекистоннинг Халқаро меҳнат ташкилоти конвенциялари доирасида халқаро мажбуриятларини, шунингдек, ушбу ташкилот томонидан тақдим этилган пахта йиғим-терим компанияси мониторинги якунлари буйича тавсияларни бажариши, шу жумладан, 2017 – 2020 йилларда Ўзбекистонда муносиб меҳнат буйича дастурнинг амалга оширилиши халқаро ҳамкорлар томонидан ижобий баҳоланди. 2022 йилдан мажбурий меҳнат буйича қўйилган шартларнинг бекор қилиниши стратегик аҳамиятга эга бўлди.

Олдимизда Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги халқаро рейтинглар ва индекслар буйича дунёдаги 50 та етакчи мамлакатлар қаторига киришини таъминлаш, ташқи сиёсатни амалга оширишни "шахс – давлат – давлат" парадигмаси билан уйғунлаштириш, шунингдек, фуқароларимиз дунёнинг қаерда яшамасин, меҳнат қилмасин, таълим олмасин давлат томонидан тинч ва хавфсиз ҳаётини, фундаментал ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоялаш буйича янги механизмларни шакллантириш каби халқаро аҳамиятга эга вазифалар турибди.

Шунингдек, бошланган ишларни мунтазам олиб бориш ва унинг самарадорлигини таъминлашда ижтимоий давлатнинг, халқаро ҳамкорликнинг, халқаро жамоатчилиқнинг роли ва аҳамияти катта бўлади. Бу жараёнларни Конституция даражасида мустаҳкамлаш эса, бугуннинг долзарб вазифаларидан бўлиб, уни ўз вақтида стратегик режалаштириш ҳамда амалга ошириш инсон ҳуқуқларини кафолатлаш йўлидаги самарали қадам бўлади.

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ Конституциявий асослари ЯРАТИЛИШИ ЛОЗИМ

Президентимизнинг "Тадбиркорлик – тараккиёт локомотиви, юрт таянчи" деган сўзлари замирида жуда катта маъно бор. Зеро, тадбиркорлик давлатнинг иқтисодийоти билан бевосита чамбарчас боғлиқдир. Кичик ва ўрта бизнеснинг сўнгги йиллардаги ўсишини таҳлил қиладиган бўлсак, бугун тадбиркорлик субъектлари мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг таянч омилига айланиб бормоқда. Шу боис, мамлакатимизда тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларга қўшимча кафолатлар бериш, бир сўз билан айтганда, қулай тадбиркорлик муҳитини яратиш борасида бир қатор ишлар, чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Бугунги кунда тадбиркорлик нафақат иқтисодий юксалиш омили, балки аҳоли бандлиги, халқ фаровонлигининг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Янги Ўзбекистонда тадбиркорлик йўналиши том маънода янги босқичга кўтарилди. Тадбиркор шахсга қанчалик қулай ишбилармонлик муҳити яратиб берилса, унинг фаолияти шунчалик ривожланади, кенгайди. Сўнгги йилларда юртимизда тадбиркорларга ана шундай шароит билан бирга, кенг имкониятлар, соҳа ривожини учун катта шароитлар яратилмоқда. Натижада тадбиркор бўлман, деган инсонлар сони ортиб, улар орасида хотин-қизлар, ёшлар сафи ҳам тобора кенгайиб бормоқда. Шунингдек, мамлакатимизда хорижий инвесторлар иштирокидаги корхоналарнинг сони ҳам кўпайиб бормоқда.

Бугунги кунда инвестициялар ва тадбиркорликни ҳуқуқий ҳимоя қилиш соҳасидаги қонунчилик аҳоли ва бу соҳадаги ҳуқуқни қўллаш амалиётидан келиб чиқиб, Конституциямизга инвестициялар ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, тадбиркорлик субъектлари, энг аввало, чет эл инвесторлари ва чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя этишга қаратилган қоидаларни киритиш мақсада мувофиқдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, айрим ривожланган хорижий мамла-

катлар қонунчилигида давлатнинг тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, мамлакатда қулай тадбиркорлик муҳитини яратиш, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мажбурияти конституциявий нормалар билан мустаҳкамлаб қўйилган. Жумладан, Грузия Конституциясининг 30-моддасида давлатнинг эркин тадбиркорлик ва рақобатни ривожлантиришга қўмақлаш мажбурияти белгилаб қўйилган. Бундан ташқари, Швейцария Конституциясининг 27-моддасига асосан иқтисодий эркинлик кафолатланган. Бу, хусусан, хусусий тадбиркорликни амалга ошириш ҳамда уни эркин тасарруф этишни қамраб олади.

Конституциямизга давлатнинг хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, қулай тадбиркорлик муҳитини таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш лозим эканлиги ҳақидаги нормаларнинг киритилиши мамлакатимизда инвестициялар ва тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши учун гаров сифатида муҳим аҳамият касб этади.

Ўринбой АБДУОЛИМОВ,
Бош прокуратура Академияси таянч докторанти

Адолат тантанасига хизмат қилади

Ўзбекистонда конституциявий соҳада олиб борилётган ислохотлар, авваломбор, амалдаги қонунчилик асосларини дунё миқёсида содир бўлаётган ўзгаришларга, замон талабларига мослаштиришни талаб этмоқда. Чунки сўнгги ўн йилликларда қайси мамлакатларда конституциявий ўзгаришлар амалга оширилган бўлса – шу давлатларда қонун устуворлиги таъминлангани, жамиятда жамоатчилик назорати кучайгани, ижтимоий адолат тамойиллари самара берганини кўриш мумкин. Натижада аҳолининг манфаатлари биринчи ўринга чиққан.

Дарҳақиқат, дунёдаги конституциявий ўзгаришларни ўрганиш ўзига хос жиҳатини – давлат Бош қонунини замон талабларига мослаштириш, унинг вужудга келаётган даъватларга жавоб бериш қобилиятини ошириш заруратини намоён қилмоқда.

Аввало, Ўзбекистонда Конституциявий ислохотнинг асосий ташаббускори халқдир. Маълумки, Конституция ақида эмас, балки ҳаракатларнинг, барқарор тараққиётнинг дастуридир. Тузатиш, ўзгариш киритиш имконияти барча конституцияларнинг фундаментал хусусиятидир. Жамият тарихий ривожланишининг турли босқичларида бирдек хизмат қиладиган конституциявий матнни биттада ва абадий яратиш қўйишнинг иложи йўқ.

Жамиятимизда бўлаётган ўзгаришлар, глобаллашув жараёнлари тезлашиши ҳамда мамлакатимизнинг бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни фаоллашуви давлатимизнинг амалдаги Конституциясига ўзгаришлар киритиш лозимлигини ҳаётини заруриятга айлантирди. Чунки 2017-2021 йиллар мобайнида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маърифий ва бошқа йўналишларда кенг қўламли ислохотларни амалга ошириш жараёнида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда амалдаги қонунчилигимизда бир қанча бўшлиқлар мавжудлиги амалиётда ўз аксини топди.

Асосий қонунимизга киритилаётган ўзгаришлар давлат ҳокимияти тизимини тубдан модернизация қилиш, демократия тамойилни изчил амалга ошириш, инсоннинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, давлат ва жамиятни барқарор ривожлантириш учун ҳуқуқий асос яратиш ва охири-оқибат жамиятда адолат тантанасига хизмат қилади.

Улуғбек АШИРОВ,
Қарши давлат университети тузилмасидаги "Қатагон қурбонлари хотираси" музейи илмий ходими, партия фаоли



Халқ депутатлари Янги ҳаёт туман Кенгаши депутатлари, ҳокимият ходимлари, туман маҳалла фуқаролар йиғини раислари, хотин-қизлар фаоллари, ёшлар етакчилари ва маҳаллалардаги ҳоким ёрдамчилари ҳамда маҳалла фаоллари иштирокида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 28-япни мажлисида маъқулланган қонунлар ва қўриб чиқилган масалалар, "Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти ҳамда аҳамиятини аҳолига тушунтириш, шунингдек, Сенатга келиб тушаётган фуқаролар мурожаатлари ва уларга ёрдам кўрсатиш масаласига бағишланган учрашув бўлиб ўтди.

Туман ҳокимлиги мажлислар залида бўлиб ўтган ушбу учрашувда Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитасида доимий асосда ишловчи сенатор Гулнора Маруфова ва Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Гулрух Агза-

мова қатнашди ва маъруза қилди. Маърузачилар Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида батафсил, модда-модда тўхталиб, келиб тушаётган таклифларнинг салмоқли қисми инсоннинг қадр-қиммати, шаъни ва ғурурини ҳамма нарсадан устун қўйиш, сифатли ва малакали тиббий хизматни ташкил этиш, таълимни ривожлантириш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш, муносиб меҳнат шароитларини таъминлаш, хусусий мулк ҳимоясини муҳофаза қилиш, тадбиркорлик ва инвестициявий муҳитни яхшилашга доир масалалардан иборат эканлигини маълум қилишди. Улар барча иштирокчиларни ва туман аҳолисини мамлакатимиз келажакда дахлдорлик туйғуларини чуқур ҳис этган ҳолда референдумда фаол иштирок этишга даъват этдилар.

Шоҳрух ШОМУРОДОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати ёрдамчиси

Депутат минбари

СОЛИҚ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

Кейинги йилларда бутун дунёда юз берган ва хали-хануз давом этаётган коронавирус пандемияси инкирози, шу билан биргаликда бугунги кундаги кескин сиёсий вазиятлар оқибатида қўлланилаётган ҳар хил чекловлар нафақат бир мамлакатнинг иқтисодига, балки улар билан олди-берди қилиб турган бошқа давлатлар иқтисодига ҳам жиддий таъсир этиб, бундай вазиятларда, одатда, маҳсулот ишлаб чиқариши чет эл хом ашёсига боғлиқ ишлаб чиқарувчилар ва экспортёр корхоналар кўпроқ зарар кўрмоқда.

Жаҳон иқтисодиётида йилдан-йилга зиддиятлар тобора кескинлашиб бораётган бундай вазиятларда мамлакат миқёсида иқтисодиёт тармоқларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, мамлакат ичкарида бизнес учун қўлай инвестициявий муҳит яратиш, шу жумладан, солиқ юкини камайтириш, солиқ солишни соддалаштириш, соҳада замонавий ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан кенг фойдаланиш орқали ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга қаратилган жадал ислоҳотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Бунда тадбиркорлик субъектлари ўртасида соғлом ва адолатли рақобатни таъминлаш, барча субъектлар учун тенглик таъминлаш асосида солиққа тортиш ва боғжона-тариф тизимини тартибга солишнинг самарали тизимини шакллантириш орқали рақобатбардош ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга эътибор қаратилмоқда.

СОЛИҚ ИСЛОҲОТИДАГИ ТУБ БУРИЛИШ

Таъкидлаш жоизки, 2018 йил 29 июнда Президент фармони билан Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси қабул қилиниб, бу орқали иқтисодиётда солиқ юкини камайтиришга, солиқ солиш тизимини соддалаштиришга ва солиққа тортиш борасида адолатли, тадбиркорлар учун қўлай солиқ тизими яратилиб, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар йўғилувчанлигининг зарур даражасини

таъминлашга тўқсинлик қилаётган бир қатор тизимли муаммоларнинг ечимини топишга эришилди.

Мамлакатимизнинг инвестициявий муҳитини янада яхшилаш, адолатли рақобат таъминларини жорий этишни таъминлаш ҳамда солиқлар ва боғжона тўловлари бўйича имтиёзлар бериш амалиётини тартибга солиш мақсадида 2019 йил 27 июнда Президентимизнинг "Солиқ ва боғжона имтиёзлари берилиши янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони қабул қилингани мамлакатимизда олиб борилган ўтган солиқ ислоҳотларининг ўта муҳим босқичларидир, десак тўғри бўлади.

Кейинги беш йилда мамлакатимизда солиқ солиш базасини кенгайтириш орқали солиқ маъмуриятчилигини соддалаштириш ва солиқ юкини камайтириш ҳисобига мутлақо янги тизим яратилди. Қизгин ва кенг жамоатчилик муҳокамаларидан сўнг янги таҳрирдаги Солиқ кодекси қабул қилинди. Кодекс билан тўғридан-тўғри қўлланувчи нормалар жорий этилиб, солиқлар сони 13 тадан 9 тага камайtirилди. 2026 йилга бориб иқтисодиётда солиқ юкини 25 фоизгача камайтириш, 2023 йилдан қўшилган қиймат солиғи ставкасини 12 фоизгача тушириш, кейинчалик ер ва мулк солиқларини бирлаштириш мақсад қилиб олинди.

Солиқ қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлиқни либераллаштириш орқали ишбилармонлик муҳитини яхшилаш



ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

мақсадида 2022 йил 1 январдан бошлаб камерал солиқ текшируви натижалари бўйича аниқланган ҳуқуқбузарликлар учун ҳамда тадбиркорлик субъектлари томонидан солиқ ҳисоботи билан мутлақо муқаддатларда тақдим этмаганлик учун молиявий санкциялар қўллаш бекор қилингани уларнинг фаолиятига ортиқча аралашилар ва оворагарчиликларнинг олди олинishiга, маблағларнинг тежалишига хизмат қилмоқда.

Шунингдек, солиқ тўловчилар учун яна бир муҳим қўлайлик, солиқ қарздорлигини кечиктириб ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини беришнинг янги механизми ишга туширилиб, унга қўра, маҳаллий бюджетга тушадиган солиқлар бўйича қарздорлигини кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш ҳақ депутатлари Кенгашларига берилди. Республика бюджетига тушадиган солиқлар бўйича эса солиқ қарздорлигини кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш юзасидан аризани ўзлари ҳисобда турган ҳудуддаги солиқ органлари орқали Давлат солиқ қўмитасига тақдим этиши белгиланди. Бундан аввал эса солиқларни

тўлашни кечиктириш бўйича ваколат фақатгина марказлаштирилган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси қосидаги Комиссияга берилган бўлиб, солиқларни тўлашни кечиктириш ҳуқуқини олиш учун тадбиркорлар ортиқча қорғозболикка ва кўп вақтларини сарфлашга мажбур бўлар эди.

ҚАЙСИ СОҲАЛАРГА СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ БЕРИЛМОҚДА?

Далат солиқ сиёсатининг яна бир муҳим воситаси, яъни, солиқ имтиёзлари фақат Солиқ кодекси билан берилиши қатъий қилиб белгиланди. Бунга қадар эса мамлакат Президентидан ташқари Вазирлар Маҳкамаси ва ҳатто маҳаллий ҳокимликлар ҳам имтиёз бера оларди. Шу билан биргаликда кодексда солиқ имтиёзлари индивидуал хусусиятга эга бўлиши мумкин эмаслиги белгиланиб, бу билан манзилли имтиёз беришга бутунлай барҳам берилди. Солиқ имтиёзи тушунчасига қисқача тўхталадиган бўлсак, аввало, солиқ имтиёзи — бу солиқ тўловчиларнинг айрим тоифаларига бошқа солиқ тўловчиларга нисбатан назарда тутилган афзалликлар, шу жумладан, солиқни тўламаслик ёки уларни камроқ миқдорда тўлаш имконияти берилиши тушунилади. Тажрибадан маълумки, аксарият ҳолларда солиқ имтиёзлари айнан маълум бир соҳада ишлаб чиқаришни ёки маълум бир ҳудудни ривожлантиришни рағбатлантирувчи муҳим восита ҳисобланади. Бу борада бизда ҳам солиқ имтиёзлари, аввало, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини кенгайтиришга ҳамда ички бозорни сифатли, ҳаёт учун энг зарур истеъмол товарлари билан таъминлашга хизмат қиладиган ишлаб чиқаришнинг устувор тармоқларини мақсадли ривожлантиришда ва самарали бюджет-солиқ сиёсатини юриктида муҳим ўрин тутмоқда десак, муболаға бўлмайди.

Мисол тариқасида айтидиган бўлсак, берилётган солиқ имтиёзларининг аксарият қисми рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга, экспортёр корхоналарга, хусусан, махсус иқтисодий зоналарда фаолият юритаётган ишлаб чиқарувчиларга ҳамда мамлакат иқтисодиётида муҳим ўрин тутадиган йирик солиқ тўловчилар ҳиссасига тўғри

келаётганлиги ҳам бунга мисол бўла олади. Бундан ташқари, ривожланишимизнинг ўтиш даврида кичик бизнес субъектларининг мамлакат иқтисодиётидаги салмоғини янада ошириш, уларни ривожланиш даврида ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида солиқ имтиёзларини бериш мазкур соҳанинг иқтисодиётидаги ўрнини янада оширишга ва уларда хизмат қилаётган минглаб фуқароларнинг реал даромади ошишини таъминлашга хизмат қилаётгани ҳам айни ҳақиқат.

ВАҚТИНЧАЛИК СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ НЕГА КЕРАК?

Солиқ кодексида янги — 483-модда — "Вақтинчалик солиқ имтиёзлари" моддаси киритилиши солиқ тўловчиларга имтиёз тақдим қилишда яна бир муҳим қадим бўлди десак, тўғри бўлади. Сабаби, "Вақтинчалик солиқ имтиёзлари" тушунчаси Солиқ кодексидаги пандемия инкирози даврида киритилиб, биринчи навбатида, иқтисодиёт тармоқлари соҳаси, айниқса, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, хизмат кўрсатувчиларни айнан ушбу мураккаб вазиятларда давлат томонидан қўллаб-қувватлашга жиддий эътибор қаратилди.

Имтиёзлар жорий қилиниши пандемия инкирози оқибатида жаҳон иқтисодиётида юзага келган ишлаб чиқариш ва истеъмол хажмларининг кескин қисқариши, глобал ишлаб чиқариш занжирлари ва савдо алоқаларининг издан чиқиши, дунё молия бозорларида хом ашё товарлари нарҳининг барқарор эмаслиги каби салбий омиллар таъсирини юмшатишга, мамлакатимиз иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш, аҳоли даромадлари кескин пайсйиб кетишининг олдини олишга хизмат қилди десак, асло муболаға бўлмайди.

Мисол тариқасида, пандемия инкирози даврида аксариятнинг фаолияти батамом тўхтаб қолган соҳалар, яъни умумий

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, барча учун тенг имкониятлар берадиган солиқ имтиёзлари жорий этилиши тадбиркорлик субъектларининг ўз ишлаб чиқаришини янада ривожлантиришга, иқтисодиёт тармоқларига янги технологияларни жорий этишда самарали восита бўлиб, келгусида бюджетда солиқ базасининг салмоқли кенгайishiга ва, албатта, бюджет даромадлари тушумларининг кескин ошишига хизмат қилади.

Абдуғани УМИРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги "Адолат" СДП фракцияси аъзоси

Жиноятга жазо муқаррар бўла суя қарори билан онаси бағрига қайтарилади



Қўндалик ҳаётимизда ака-ука ва она-сингилларга нисбатан "жигарлар" деган сўз ишлатилади. Бу тўғрисида инсонларнинг нақадар бир-бирига яқин эканлигига ишорадир. Аслида ҳам шундай. Битта ота-онани дунёга келган фарзандлар худди эт билан тирноқдек гап.

Айниқса, жигарлар болалигида бир-бирига жуда яқин бўлади. Юриш-туриши, ўйнаши, овқатланиши, хуллас, эрта-ю кеч бирга бўлади улар. Ана энди ақлини таниганидан буён битта оилада яшаб келаётган болаларни бир-бирдан ажратишни тасаввур қилиб кўраверинг. Фуқат туманида яшовчи Хислатжон Бекмирзаев бундан 9 йил аввал — 2013 йил 4 октябрда қўшни Ўзбекистон туманидан бўлган Зухраҳон Бекмирзаева билан қонуний никоҳ асосида турмуш қурган пайтида орадан шунча йил ўтиб, ажрашиб кетишларини хаёлига ҳам келтирмаганди. Негаки, икки ёш бир-бирини аввалдан таниб-билиб, кўнгли қўйиб, турмуш қуришганди. Шундан сўнг бир йил ўтган — 2014 йил 1 октябрда ўғли Хусниддинбек Раҳмонов туғилди. Ҳақиқатда ўшанда ёш оилада қанчалик шодидона бўлганини таърифлаш тил ожиз. Хусниддинбек 2 ёшга кирганда, айнан туғилган кунда, яъни 2016 йил 1 октябрда синглиси Солиҳабону Раҳмонованинг туғилиши эса қўшалоқ байрамга айланган. Шунинг учун Хусниддинбек ва Солиҳабону бошқа ака-сингилларга

нисбатан бир-бирига яқинроқ, меҳрибонроқ бўлиб ўлғайшарди. Аммо...

Аммо кутилмаганда, аниқроғи, ота-онанинг бебошлиги туфайли уларнинг мурғак қалби бир муддат озор чеқди. Гап шундаки, арзимас оилавий келишмовчилик ҳамда ҳурматсизлик сабабли Хислатжон билан Зухраҳоннинг орасига шайтон оралади, ўртага совуқчилик тушди. Оқибатда эр-хотин ажрашишга қарор қилишди: 3.Бекмирзаева 2022 йил январь ойида отасиникига кетиб қолди. Хусниддинбекни отаси ўзи билан олиб қолди. Солиҳабону эса онасига эргашиб кетди. Бу ҳолат ака-сингилнинг кўнглини бирдек вайрон қилди. Хислатжон-ку эркак кишиликка бориб, ўзини қўлга олгандир. Бироқ Зухраҳон қизининг аҳволини кўриб, отаси билан қолган ўғлини ўйлаб, баттар эзилaverди. Охир-оқибат фуқаролик ишлари бўйича Ўзбекистон туманлараро судига мурожаат қилиб, ўғлини Х.Бекмирзаевнинг қарамоғидан ўзининг тарбиясига олиб беришни сўради.

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Болаларни ҳимоя қилиш шўъбасининг 2022 йил 8 апрелдаги хулосасида 3.Бекмирзаеванинг ота уйда вояга етмаган фарзанднинг яшаши ва келгусида таълим-тарбия олиши учун шарт-шароит ҳамда қўлайликлар мавжудлиги, болалар тарбиясига монелик қиладиган ҳолатлар аниқланмагани, шу боис Хусниддинбекнинг манфаатини, ёшини инобатга олган ҳолда онаси қарамоғида бўлиши мақсадга мувофиқлиги қайд этилган. Жавобгар томон истиқомат қиладиган Фуқат тумани ҳокимлиги Болаларни ҳимоя қилиш шўъбасининг 2022 йил 4 апрелдаги хулосасида эса Х.Бекмирзаевнинг яшаш хонадонидан вояга етмаган фарзанднинг яшаши учун шарт-шароит мавжудлиги, лекин фарзандларни бир-бирдан ажратмаслик мақсадида болаларни ўз розилиги асосида тарафларга бериш мақсадга мувофиқ, деб топилган.

Оила кодексининг 75-моддасига асосан, ота-она алоҳида яшаганда болаларнинг қарда яшаши ота-онанинг келишувига биноан белгиланади. Ота-она ўртасида келишув бўлмаса, низо суд томонидан болалар манфаатларидан келиб чиқиб, уларнинг фикрини ҳисобга олган ҳолда ҳал этилади. Бунда суд боланинг ота-онани, ака-ука, она-сингилларидан қайси бирига боғланиб қолганлигини, боланинг ёшини, ота-онанинг ахлоқий ва бошқа шахсий фазилатларини, ота-онанинг ҳар бири билан бола ўртасидаги муносабатларни, болани тарбиялаш ва

унинг камолоти учун шарт-шароитлар (ота-онанинг машғулоти тури, иш тартиби, моддий ҳамада оилавий аҳволи ва бошқалар) яратиш имкониятини ҳисобга олади.

Ўзбекистон Республикасининг "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонуни 15-моддасига қўра, оилада ҳар қандай масала ҳал қилинаётганда бола ўз фикрини ифода этишга, шунингдек, ҳар қандай суд муҳокамаси ёки маъмурий муҳокама жараёнида сўзлашга ҳақлидир. Бундан қарор қабул қилишга ваколатли бўлган органлар ва мансабдор шахслар боланинг манфаатларига тааллуқли масалаларни ҳал қилишда боланинг фикрини, унинг ёшидан қатъий назар, кўриб чиқиши ҳамда боланинг энг устун манфаатларидан келиб чиққан ҳолда қарорлар қабул қилиши керак. Ана шу асосларга таянган суд 3.Бекмирзаеванинг жавобгар Х.Бекмирзаевага нисбатан болани ўз тарбиясига олиш ҳақидаги даъво аризасини қаноатлантириш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилган. Аммо ота бўлими суд қароридан норози бўлиб, апелляция шикоятни берган.

Апелляция суди мажлисида аён бўлдики, биринчи инстанция суди даъвогарнинг уйда вояга етмаганлар учун шароитлар мавжудлиги, вояга етмаган болалар бир оилада тарбияланиши ва камол топиши мақсадга мувофиқлиги, болаларнинг бир-бирдан узоқда яшаши уларнинг руҳиятига салбий таъсир қилиши мумкинлигини инобатга олиб, даъво талабини қаноатлантириш ҳақида асосли хулосага келган. Қолаверса, апелляция инстанцияси Хусниддинбекнинг кичик ёшдалиги, отасининг бола тарбиясига иштирок этиш ҳуқуқини инкор этмаган ҳолда болага, аввало, онанинг меҳри ва парварishi зарурлигини инобатга олишни лозим топди. Бинобарин, Фарғона вилоят суди фуқаролик ишлари бўйича Ўзбекистон туманлараро судининг ҳал қилув қарорини ўзгартириш, апелляция шикоятини эса қаноатлантирмасдан қолдирди.

Дона ҳалқимизнинг "Она борки, бола бор" деган пурҳикмат гапи бежиз айтилмаган. Чунки она фарзанд тарбияси ва тақдирини ҳамма устун ҳуқуққа эга бўлиб келган. Шундай экан, тилга олинган ҳолат бошқа оилаларга ҳам сабоқ бўлиши лозим. Зеро, нафақат битта оила, балки қўшнинг ҳам уни бузилмасин.

Бузрукхон АБРОВОВ, Фарғона вилоят судининг судьяси

"Адолат" шарҳи Кредит билан субсидиянинг фарқи қандай?

КРЕДИТ лотинча creditum — қарз, credo — ишонман сўзларидан олинган бўлиб, пул маблағлари, товар ва хизматларни келишилган устима (фоиз) тўлаб қайтариб бериш шарт билан маълум муддатга қарз берувчи ҳисобланади.

Кредит муомаласи қарз берувчи ва қарз олувчи ўртасидаги иқтисодий муносабатдир. Кредит шартномасида бир томон — банк ёки бошқа кредит ташкилоти (қарз берувчи) шартномада назарда тутилган миқдор ва шартлар бўйича бошқа томонга (қарз олувчи) маблағ беришни ва қарз олувчи олинган миқдорини қайтариш ва унга фоизлар тўлаш мажбуриятини олади.

КРЕДИТНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ: Кредит шартномаси ёзма шаклда тузилиши керак, унинг бир нусхаси қарз олувчига берилади. Шунингдек, кредитда гаров таъминоти бўлади. Кредитда уни қоплаш тартиби мавжуд бўлади. Кредит бўйича ҳисобланган фоизлар ва асосий қарзлар банк ва қарз олувчи томонидан имзоланган кредит шартномасига илова қилинган жадвалга мувофиқ амалга оширилади.

Бундан ташқари, кредитни қайтармаслик оқибатлари ҳам бўлади. Фоиз ва асосий қарзни тўлашнинг ҳар бир кечиктирилган куни учун банк пеня ҳисоблайди. Агар қарздор кредитни қайтариш мажбуриятларини бажармаса, банк қарздорга гаровга қўйиладиган мулкка нисбатан мажбурий ундирув тартибида қайтарилади.

СУБСИДИЯ лотинча subsidium сўздан олинган бўлиб, ёрдам, нафақа, қўллаб-қувватлаш деган маънони англатади. Субсидия — давлат бюджети, маҳаллий бюджетлар маблағлари ёки махсус фондлардан жисмоний ва юридик шахсларга, маҳаллий органларга, бошқа давлатларга бериладиган пул маблағи ёки натура шаклидаги ёрдам ҳисобланади.

Субсидиялар одатда даромади юқори бўлмаган шахсларга белгиланган мақсадлар учун бошланғич бадал ёки кредит фоиз тўловларининг бир қисmini қоплаб бериш кўринишида давлат бюджетидан ажратилади. Субсидия давлат томонидан ҚАЙТАРИБ ОЛМАСЛИК ШАРТИ билан ажратилади. Субсидия бу кредит ҳам, қарз ҳам эмас. Яъни, сизга субсидия берилгандан сўнг сиздан уни қайтариш талаб этилмайди.

Мақсуд МУСТАФОЕВ, "Адолат" миллий ҳуқуқий ахборот маркази масъул ходими

Nigoh

Аччиқ, аммо очик гаплар

Хар бир даврнинг ўз қиё-фаси, одамларнинг турмуш тарзи бўларкан. “Лаънати кизил империя” даврида ҳамма ўзини кутқариш, яъни сургун лагерларига тушиб қолишдан сақланиш учунми, жон-жаҳди билан китобга тармашган эди – нажотни китобдан топаман, деб ўйлаганди чамаси. Давраларда фақат китоб ҳақида суҳбат кетар, хар ким бу гуруннинг ўртасида бўлишни истар, иложи борича энг янги китоб ҳақида маълумот бериб, ахли мажлисининг эътиборини тортишни истарди.



О, ЕМАКХОНАЛАР!..

ҚАНИ КУТУБХОНАЛАР?!

Бозор иқтисодиётига ўтилиши билан қарашлар ва муносабатлар ўзгарди, шеклилли, энди суҳбатдошлар бир-бирининг либосига қарайдиган, ким қандай кийинганига серсолиб, мавқеини баҳолайдиган бўлди. Аммо бундай давралар анчайин чучмал, майдакаш туюларди китоб, маърифат ҳақида баҳслашувчиларга. Йиллар ўтиб, авлодлар алмашиши давом этди, қарашлар ҳам алмашди. Энди кийим билан бирга қайси ресторан ёки кафеда овқатланилгани, қандай таомлар истеъмол қилингани гурунлар мавзусига айланди. Шундай қилиб, тарозининг шайини маънавиятдан маишатга оғди.

Афсуски, бу оғиш шунчалар жиддий тус олдики, эндиги авлод “Ўзи, яшашдан мақсад тўйиб, бўки овқатланиш экан!” қабилдаги дунёқарашга келдимиз-эй! Бу ҳолга бугун Венециядаги шохона қасрларни эслатадиган емакхоналарга бир бор қадам ранжида қилган киши шак-шубҳасиз имон келтиради. Айни чоғларда шаҳарларимизни безаб, ҳаётимизга завк улашиб турган иморатлар – тўйхоналар ва емакхоналар десак, асло муболага бўлмайди. Ана шу масканларда миждошларнинг шодон қийқларини янграйди, дилрабо куй-кўшиқлар жаранглайди, инсон барча ташвишларини унутиб, чинакам (аслида, меъда-ичак билан боғлиқ) ҳузур-ҳаловатни ҳис этади.

Дунёнинг илғор тажрибаларини юртимизда жорий этишга киришган тадбиркорлар ҳам қандайдир бошқа лойиҳаларни эмас, емакхоналар билан боғлиқ янгиликларни олиб келмоқдалар: томи бир лаҳзада сурилиб очиладиган, шифтидан ёмиғир (керак бўлса қор) ёғадиган, нақшлари олтин суви билан ороланган, шифти зангори, поли муз майдонидек шаффоф емакхоналар ҳеч кимдан кам эмаслигимизни тасдиқлаб турибди гўё.

Ҳа, излаган одам топар экан-да. Бу ҳоллар, шубҳасиз, ривожланиш аломатлари, уларга эътироз билдириш ўринсиз. Балки миллий кайфият, дегандек, маиший ҳаётдаги ана шундай ривожланишлар умуман ватандошлар шахсиятидаги улғайиш, юксалишга олиб келса, ажаб эмас. Ахир “Одам кўшиқни ҳам қорни билан тинглайди” деган пурмаъно гап ҳам бор-ку.

Бизнинг мулоҳазаларимиз эса бошқа кутубда.

Кўплар ҳикматли сўзларидан иқтибос келтирадиган ва инсоният тафаккурини дурдоналарини яратган Жалолиддин Румий ҳазратлари одам жисмини отга, ақлини эса чавандозга мензатган экан. Агар от ширали емишларга ўч бўлса ва чавандоз (ақл; бу ўринда одамнинг маърифати, илми, тафаккури, умуман, маънавий борлигини тушуниш лозим) отни бошқара олмаса, от чавандозни охурга, ҳа, айнан арпа ёки хашак тўлдирилган охурга бошқариб борар экан. Мантиқ

ҳам шу-да: отга, яъни ҳайвонга нима керак? Унинг қориндан бошқа нима гами бор?

Бундай ҳикматлар ибрат учун келтирилади, уни қўллаш ёки қўлоқ тутиш ҳамманиннг ўз хоҳиши, кимдир уларни ён дафтарига кўчириб юради, кимнингдир энсаси қотиб, Афандининг латифасидан фарқламайди. Аммо юқоридаги мўжассам чинакам ҳаёт ҳикмати мужассам бўлганга ўхшайди: инсон вужудида одам ва фаришта тимсоли мужассам экани бошқа китобларда ҳам таъкидланган. Одам Яратганининг бетимсол ижоди сифатида икки олам асрорини жамлаган: унинг ҳайвонлиги – танаси, вужуди; фаришталиги эса кўзга кўринмас аломатлари, яъни тафаккури, ақли, ҳиссиётлари – хаёл суради, қувонади, хафа бўлади, севади, нафратланади ва бошқалар.

Шундай бўлгач, қайси бутага сув кўп куйилса, ўша кўпроқ ривожланганидек, инсон вужудидаги қайси тарафга эътибор кучайса, ўша томон ривожланиб кетиши бор гап. Инчунун, моддий томонга ружу кўйганида шу тараф вужудда етакчилик қилиб кетиши шубҳасиз.

Айни пайтда катта шаҳарда эмас, чекка қишлоқларда ҳам юртдошларимизнинг уйқудан уйғониб (албатта, тирикчилиги кўтарилганлар) қиладиган биринчи иши – қайси емакхонани мўлжалга олиши ҳам шундан, маиший ҳаётда тап, аниқроғи – қорин эҳтиёжи етакчи бўлиб қолгани аниқ. Ҳозир туманларда ҳам қаерда яхши ош дамланади ёки қалла-пача бор, нўхатнинг зўри, қаймоқнинг тозаси, умуман, овқатнинг сарасини билиш ва масофаси қанчалар узок-яқин бўлмасин, бориб, нафсини қондириб келиш урфга айланибди. Ҳатто “эзнинг зўрларини” нима овқатни қаерда егани билан мусобақалашадиган бўлибди.

Энди чавандознинг аҳволи қандай кечаётган экан? Чавандоз мудраган, от эса устидаги одами билан охурга тиралиб турибди. От хушнуд, чунки унинг қорни тўқ; чавандоз эса ланж, қанийди кимдир келиб отни жиловласа, уни эгардан аزل этиб, бирор оромбахш жойга етқариб қўйса; қоринчасини тўқлаб қўйса-ку, отасидек азиз бўлиб қолади. У одамнинг кимлиги муҳим эмас, муҳими – хашак тўла охурдан узоқлаша (бемаза ташвишлардан қутилса) ва жон роҳатини топса, бўлгани. Нафсини жиловлай олмаган одамнинг аҳволи шу-да! Ошқозон мисли дошқозон (ёки аксинча!). Овқат еймиз – ухлаймиз, ухлаймиз – овқат еймиз. Мабодо бир қавм шу тарзда умргузаронлик қилса, унинг эртаси нима бўлади? Бу ҳақда ўйловчилар кам.

Баланд-баланд қилиб солинган емакхоналар қаршисидан ўтаётганда манзарани мулоҳаза қиламиз, шунда беихтиёр “Одамнинг фаришталиги қаерда қолди?” деган

савол ҳаёдан ўтади. Одам фаришталигини унутиб, ҳайвонликка уриб кетмаяптими? Бу яралиш қондасига ҳам зид эмасми? Ахир дунёни ўзгартириш, уни борича сақлаб қолиш фақат моддий эҳтиёжларни қондириш ҳисобига бўлмаслиги кундек равшан-ку! Бу ҳолда семириб қолаётган одам ўзини эплай эмас, бошқаларга юк бўлади.

Агар соғлом тафаккур билан вазиятга баҳо бериладиган бўлса, аини дамда китоб ўқилмаётгани ҳақида безовта фикрларнинг тез-тез янграб туриши бежиз эмас. Юртдошларимиз маърифатдан узоқлашмоқда. Китобдан айроқлашиб яхшилик аломати ҳисобланмайди. Бу жуда жун қилиб айтганда, фаришталикни тан олмай, ҳайвонликка таслим бўлиш, шу даражани танлаш дегани бўлади. Ҳа, тан эҳтиёжидан юксалиб, руҳ қанотида парвоз қилибгина Ҳазрати инсон ўзлигини тўла намён эта олади ва шу билан муқаррамдир: бу билан яралишдан зиммасида юкланган илоҳий юмушни эплай, уддалай олади.

Хуллас, базмхонаю тўйхоналарнинг бошни айлантириб юборадиган қасрларида ўтириб, маърифат масканлари – кутубхоналарнинг аҳволини кўз олдиға келтирганда, одамнинг кўнели беҳузур бўлиб кетади. Хом сут эмган банди шу масалада ҳам нодонлик қилмаса, аини жами яралиш махлуқотдан фарқланувчи қи-

ёфасини намён қиладиган кутубхоналардан бунчалар безимаса?! Унта, балки ундан кўп тўйхона курган сармоядор битта кутубхона курдимикан? Эшиқлари унча-бунчада очилавермайдиган, чанг ва ғуборлар ичида қолган масканга – газета-журналлару китоблар тахтланган жойга одамлар кам кадам босадилар, ҳатто бормайдилар. Бунқада бизнинг инсонлигимиз қаерда қолади?

Бугун аптекалардан одам оғғи узилмайди, озик-овқат магазинлари доим гавжум, емакхоналар, тўйхоналар... Бирок кутубхоналарга ким қадам қўяди? Умуман, бу масканлар қаерларга қувилди: ертўлаларга эмасми? Ёки китоб магазинларида савдо қандай? Манзаралар китобга муносабат турмуш тарзидан ниҳоятда йироқлашиб кетганини тасдиқламоқда. Ҳолбуки, бунинг акси бўлиши лозим эди. Ҳатто чарақлаб турган маишатхоналарнинг айвонига жавон қўйиб, унда китоблар териб қўйилса ҳам, кўзи тушган одамнинг эсинга КИТОБ тушиб турарди. Балки чиндан ҳам тўйхоналарда бир бўлмада, ҳатто кириш йўлагидики китоб териб қўйишни урф қилиш лозимдир. Ахир ассоциатив-эмоционал кўзгаллишлар қўриш таъсири орқали харақатга келади-ку. Маишатдан тўйиб келган бобо набирасини тиззасига олиб, ҳеч бўлмаганда болаларнинг расмли китобини томоша қилса ҳам мурғак қалба китобга меҳр ўйғонади-да.

Биз шундайлар қилмасак бўлмайди, авлод чаламулла бўлиб қолапти. Ҳосиласи эса аниқ кўриниб турибди: бифаросатлик, меҳрсизлик, ҳурматсизлик, қадриятларга беписандлик, жиддий масалалар, масалан, турмушга енгилтаклик билан қараш (ажралишларнинг эрмакка айланиб қолгани), ҳатто юмор ҳиссининг етишмаслиги ва бошқа кўнгилхираликлар (қай бирини санаймиз?!). Уларнинг ҳар бирини алоҳида даволаб бўлмайди (худди ғўзани аввал бегона ўтдан тазалаш, кейин ягана, кейин култивация қилган каби), балки барчасининг ёппасига давосини қилиш лозим. Бу даво эса инсоннинг фаришталик хислатини юксалтириш, уни ҳайвондан ажратиб, дунёнинг чинакам хилқатига айлантириш билан амалга оширилади. Бир сўз билан айтганда, ҳашамдор тўйхоналар ёнида улардан қолишмайди-ган кутубхоналар қуриш, бу масканларни аҳоли энг кўп ташриф буюрадиган эшиги муттасил очик даргоҳга айлантириш...

Келажигидан умиди бор халқ китоб ўқийди, бизнинг эса эртанги кундан умидларимиз жуда юксак.

ҲАКИМ САТТОРИЙ

Ташаббус

МАҲАЛЛАДА КУТУБХОНА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Маърифатпарвар инсонлар хар қандай замонда ҳам ўзларидан яхши бир из қолдирадилар. Аъзамжон ҳожи Мамажонов ҳам бугунги куннинг илғор маърифатчиларидан бири ҳисобланади. Уни нафақат вилоятимизда, балки водийда кўпчилик яхши танийди.

Китобни севадиган, ижодкорни қадрлайдиган ўзбек адибларининг талай асарларини ўқиб чиққан, юртимиз шоирлари шеърларини маҳорат билан ёддан айтиб бериш қобилиятига эга бўлган бу инсоннинг энг озуларидан бири кутубхона ташкил этиш эди. Ва ниҳоят жонкуяр инсоннинг орзуси ушалди: ташаббус туман ҳокимлиги ва Республика Маънавият ва маърифат маркази туман бўлимига томонидан қўллаб-қувватланди. А.Мамажоновнинг саъй-ҳаракати билан Косонсой туманидаги «Озод» ва «Боғқўча» маҳалла фуқаролар йиғини туташган манзилдаги фойдаланилмай келинаётган масжид биносидики маънавият кутубхона ташкил этилди. Янги кутубхонага янги нашрдан чиққан жаҳон ва ўзбек ёзувчиларининг мингга яқин асарлари тўплами тақдим этилди. Эгэ масканнинг очилиш маросимида вилоятда ижод қилаётган ёзувчи ва шоирлар, хар икки маҳалла фаоллари, ёшлар ҳозир бўлдилар.



Янги кутубхонанинг очилиш маросимида туман ҳокими, туман Маънавият ва маърифат кенгаши раиси Дилмурод Қодиров ҳамда Республика Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими раҳбари Мусоҳон Олпоқов сўзга чиқиб, Президентимиз томонидан олиб борилаётган оқилона сиёсатга ҳамоҳанг равишда амалга оширилган ушбу янгилик китобхонлиқни тарғиб қилишдаги муҳим воқеа бўлганини таъкидлашди.



Республика Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими Аъзамжон ҳожи Мамажоновнинг ҳолисона хизматларини юқори баҳолаб, уни ташаккурнома билан рағбатлантирди.

Муҳиддин ОМАД,
фахрий журналист

“БИЗ ОИЛАВИЙ КИТОБХОНМИЗ”

Китобнинг инсон ҳаёти ва камолотидаги ўрни беқиёс. У йўлларимизни ёритувчи шамчирикдир. Дарҳақиқат, ер шарини кўёш ёритса, китоб одам қалбини нурафон эстади, маънавиятнинг юксалтириб, уни порлоқ келажак сари етаклайди.



Мамлакатимизда китобхонликни тарғиб қилишга қаратилган тадбирлар, учрашувлар ташкил этилиб, аҳолини, айниқса, ёшларнинг китоб ўқишга иштиёқини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани ҳам бежиз эмас.

Келажакимиз эгаларини хар томонлама мукамал тарбиялаш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, ёшларни китобхонликка ва спортга йўналтириш мақсадида Бухоро шаҳридаги “Варахша” маҳалла фуқаролар йиғинида “Биз оилавий китобхонимиз” мавзусида тадбир ўтказилди.

Мазкур тадбир доирасида дастлаб болажонлар учун шахмат-шашка мусобақаси уюштирилди. “Китоб ярмаркаси” ўтказилди. Китобхон оилалар аъзолари иштирок этган мушоира йиғилганларга янада кўтаринки кайфият улашди.

Халқ депутатлари Бухоро шаҳар Кенгашига “Адолат” СДПдан сайланган депутат Абдурауф Аҳмедов тадбирда фаол қатнашган иштирокчиларни ташаккурнома ва қизикarli адабиётлар билан тақдирлади. Ёшларни китобхонликка жалб этишда бу каби тадбирлар катта аҳамиятга эга. Зеро, эртағамиз эгалари бўлган фарзандларимизнинг маънавий камолотида барча билимлар манбаи — китоб муҳим ўрин тутайди.

Муҳтасар ЗОХИДОВА,
Бухоро вилоят кенгаши матбуот котиби

Бугуннинг гапи

Пресс-тур

ТИРИКЛИК МАНБАИ

Олтиндан қиммат неъматга айланади

“Сув ва ҳаводек зарур” ибораси ҳаёт учун биринчи навбатдаги эҳтиёжни англатади. Бугунги кунда жиддий экологик муаммолар кузатилмаган ва қурғоқчилик ҳеч қачон бўлмаган мамлакатларда ҳам аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашда қийинчиликлар юзага келмоқда. Хўш, бунинг сабаби нимада?

Сайёрамизнинг катта қисмини сув эгаллаганига қарамай, фақат 3 фоизи фойдаланиш учун яроқли ҳисобланади ва улардан 2 фоизи экстремал иқлим шароитига эга, бориш қийин худудларда жойлашган музликларда туپланган. Демак, сувнинг умумий ҳажмидан атиги 1 фоизи инсон истеъмоли учун мос келади.

Бундан ташқари, ичимлик суви ресурслари сайёра бўйлаб нотекис тақсимланган. Шунингдек, вазиятни аҳолининг сув манбаларини ҳисобга олмасдан жойлашиши ҳам оғирлаштиради. Натижада турли мамлакатларда аҳоли жон бошига тўғри келадиган сув ресурслари ҳажми бир-бирдан кескин фарқ қилади.

Ободлик, тозаллик, бунёдкорлик, иқтисодий барқарорлиги, эл-юрт фаровонлиги, бир сўз билан айтганда, инсоният ҳаётининг ҳар жабҳасида сувнинг алоҳида ўрни бор экан, сув манбаларини асраш, улардан оқилона фойдаланиш зарур.

Азалдан ота-боболаримиз тириклик манбаи бўлган сувни эъзозлагани, унинг исроф бўлишига йўл қўймагани “Дарё бўйида яшасанг ҳам сувнинг бир томчисини исроф қилма”, деган ҳикматда ҳам аксини толганга асло шубҳа қилмаймиз. Аммо биз аждодларимизнинг ўғитига амал қилиш бора-сида мақтана олмаимиз. Бунга истаганча баҳонаю сабаб топилади.

Одамни тушуниш қийин экан-да, шаҳардаги янги қурилган кўп қаватли уйларга бир кун совуқ сув келмай қолса, ҳамма бесаранжом бўлиб, елим идишларни кўтарганча кўчага чиқади. Тегишли ташкилотдан сув берилишини талаб қилади.

Яна бир кунги ўша кўп қаватли уйлар қаршисида тамоман бошқа манзарага гувоҳ бўласиз: кимдир резина шлангни чиқариб олиб автомобилни ювади, яна кимдир атрофни салқинлатиш учун шунчаки эрмакка сув сепади. “Ҳой, барака топкур, бу ичимлик суви-ку” десангиз, “Тулпини тўлаб кўйганман”, деб оғзингизга уради.

Сувдан тежамкорлик билан фойдаланиш, унинг исроф бўлишига йўл қўймаслик маҳаллаларда ҳам ачинарли аҳволда. Мисол учун, ёши 50-60 дан ўтганига қарамасдан, “шортик” кийиб олган, соч-соқолига оқ оралаган эркеклар кечки пайтларда хонадонни дарвозасидан резина шлангни кўчага чиқариб, сув сепиш бўйича бир-бири билан мусобақалашади десак, муболага бўлмайди. Ҳа, сувни ҳисоблагич орқали эмас, ўғринча олганидан кейин кўнгли тусаганини қилишади-да. Шу ўринда савол туғилади: бизда сувнинг беҳуда, ноқонуний сарф этилиши олдини

оладиган, буни назорат қиладиган биронта ташкилот борми? Маҳаллаларда кечки пайтларда тунги рейдлар ўтказилса, қанчадан-қанча сув ўғрилари аниқланади. Улар тегишли жазога тортилса, бошқаларга сабоқ бўлади. Сув сарфи ҳам камаяди.

Ахир жумрақдан оқадиган сув осонликча келмайди — махсус жойларда тўрт марта тозаланиб, икки марта хлорланади. Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш учун катта маблаг сарфланади. Лекин фойдаланилган сувнинг пулини тўлашга келганда...

Жорий йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, биргина Тошкент вилоятининг ичимлик сувида дебюторлик қарздорлиги 123 миллиард сўмни ташкил этиб, йил бошига нисбатан 6,5 миллиард сўмга ошганини, шундан аҳолининг дебюторлик қарздорлиги 87 миллиард сўм эканини қандай изоҳлаш мумкин?

Статистик маълумотларга қараганда, одам кундалик эҳтиёжи учун ўртача 100 литр сув ишлабди. Бу кўрсаткич шаҳарларда 140 литрни, қишлоқларда 80 литрни ташкил этади.

Бугунги кунда дунёнинг энг йирик шаҳарларида киши бошига кунлик сув сарфи 350-600 литрни ташкил этаётгани ичимлик суви бўлган эҳтиёжнинг тобора ортиб бораётганидан далолат беради.

БМТ маълумотларига кўра, 2030 йилга бориб дунё аҳолисининг ярми ичимлик суви таъминоти юзасидан муаммага дуч келади. Шу билан бирга, экспертлар ҳозирги вақтда 36 та мамлакат сув ресурслари танқислигидан азият чекаётганини қайд этишган. 2050 йилда дунё бўйича озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган ялпи талаб 70 фоизга ошади. Саноат жараёнларининг катта қисми сув билан боғлиқ бўлгани сабабли сув ресурсларининг ҳаддан ташқари танқислиги юзага келади.

Айни пайтда ер остидан қазиб олиш ҳисобига сув етишмаслигини қоплашга ҳаракат қилинмоқда. Охириги 50 йил ичида дунёда ер ости сувларини қазиб олиш камида 3 баравар ошди, бироқ мавжуд сув ҳажми йилдан-йилга камайиб бораётганидан кўз юмиб бўлмайди.

Шу ўринда аҳолига ичимлик суви етказиб бериш кўп маблаг, катта меҳнат, мураккаб технологик жараёни талаб этишини ҳам ёдда туттиш керак.

Мутахассисларнинг маълумотларига кўра, ёши катта одамларда тананинг 60-70, болаларда 80-90 фоизи сувдан иборат бўлиб, инсон ҳужайраларидаги барча жараёнлар сув орқали амалга ошади. Шу боис организм қанча сув талаб қилаётган бўлса, шунча сув ичиш зарур. Тоза ичимлик сувини истеъмоли киши инсон саломатлиги учун муҳим ҳисобланади. Сифати паст сув турли касалликларни келтириб чиқариши мумкин.

Онлайн хизматни банд қилиш билан шуғулланадиган “Holidu” агентлиги

яқинда ичиш учун тозаланган сув бозори бўйича тадқиқот ўтказди ва қадоқланган сув қаерда қиммат нарҳда сотилишини аниқлади. Эталон сифатида 500 мл ҳажмдаги сувли идиш олинди. Онлайн сўров натижасига кўра, Норвегиянинг Осло шаҳри қадоқланган ичимлик суви қимматлиги бўйича жаҳон рейтингда етакчилик қилди. Бу шаҳарда, бошқа жойлар билан солиштирганда, ичимлик суви учун кўпроқ пул тўлашга тўғри келар экан. Ичимлик суви энг қиммат бўлган шаҳарлар рўйхатидан кейинги ўринларни Финляндия ва Швеция пойтахти, шунингдек, Нью-Йорк ва Тель-Авив шаҳри эгаллади.

Ярим литрли идишлардаги сув нарҳларини таҳлил қилиш ва таққослаш бўйича тадқиқот сайёрамизнинг турли минтақаларидаги бир юз эллик шаҳарда ўтказилди. Уларнинг барчаси энг оммабоп сайёҳлик маршрутлари қаторига киради. Осло шаҳрида ярим литрли идишдаги ичимлик суви 1,5-1,6 евро туради. Тель-Авив шаҳри ҳам ушбу рейтингда юқори ўринни эгаллайди, бу ерда ярим литрли идишдаги сув 1,08 евродан сотилади. АҚШдаги энг йирик мегаполис ҳисобланган Нью-Йоркда ярим литрли идишдаги ичимлик суви нархи ўртача 0,86 еврони ташкил этади. Бирок Американинг бошқа шаҳарларида унинг нархи 1,35 еврога етиши мумкин.

Қурулур орқали аҳолига етказиб бериладиган сув нархи қимматлиги бўйича 20 та шаҳарда ўтказилган тадқиқотда ҳам Осло шаҳри биринчи ўринни эгаллади. Норвегия пойтахтидан кейин рўйхатда Лос-Анжелес, Сан-Франциско, Феникс ва Сан-Диего каби шаҳарлар туради.

Сув сифати масаласига келсак, Австрия, Финляндия, Греция пойтахтлари, шунингдек, Австриянинг Инсбрук курорт шаҳри рейтингда энг юқори поғонада. АҚШ шаҳарлари орасида, БМТ ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, Бостон шаҳри водопровод суви сифати бўйича биринчи ўринда туради. Иккинчи ва учинчи ўринларни Сиэтл ва Портленд эгаллади.

Дунёда нима учун қадоқланган сув кўпроқ истеъмоли қилина бошлади? БМТдан олинган сўнгги маълумотларга кўра, сайёраимизда бошланган глобал иқлим ўзгариши ҳар бир инсон учун ҳаётий аҳамиятга эга бўлган сув сифати ва миқдорига сезиларли таъсир кўрсатди. Бугунги кунда 2,2 миллиард одам обихаёт етишмаслигини ҳис қилмоқда. Уларнинг барчаси ичишга яроқли бўлган тоза ичимлик сувига эга эмас.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти мутахассисларининг таъкидлашича, Ер шарининг кўплай минтақаларида ичимлик суви сифати пастлиги туфайли уни тозалаш идишга солинган ҳолатда истеъмоли киши кескин ортиб бормоқда. Қадоқланган сувнинг жаҳон бозоридаги айланмаси беш йил ичида 307,5 миллиард долларга етиши мумкин. Бу, айниқса, учинчи дунё деб аталадиган мамлакатларга тааллуқли. Сўнгги рейтингларга кўра, Нигерия, Покистон ва Сенегалда ичимлик суви сифатининг ёмонлашиши кузатилади.

Сув масаласида қатор муаммоларни келтириб чиқарадиган табиат ҳодисаси, бу — қурғоқчилик. БМТ маълумотига кўра, 1998 йилдан 2017 йилгача қурғоқчилик камида 124 миллиард доллар зарар келтирган ва ундан 1,5 миллиардан ортиқ одам азият чеكкан. Айни

пайтда глобал исий сабабли Европа жануби ва ғарбий Африкада қурғоқчилик кучайган. Маълумки, қурғоқчилик узок вақт давом этади, кенг географик қўламга эга ва сезиларли даражада зарар келтиради. Бу омиллар қурғоқчиликка дуч келган мамлакатларга озиқ-овқат етишмовчилиги ва уларнинг нархи ошиши орқали ҳам таъсир кўрсатиши мумкин.

Айни пайтда Италия сўнгги 70 йилдаги энг кучли қурғоқчиликни бошдан ўтказяпти. Қандай қилиб бўлмасин, сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш чоралари қидирилмоқда. Шаҳарлардаги дарёлар қуриятти, худудлар сувни тежашига уринмоқда.

Масалан, Миланда фавворалар ўчириб қўйилди. Бир нечта муниципалитетлар сув ўлчов билан берилишини эълон қилди. Кастенасо шаҳри ҳокими мижозларининг сочини икки марта ювган сартарошлардан 500 евродан жарима ундиришни буюрди. Карло Губеллини (ҳоким) сувнинг беҳуда сарфлашига қарши шу тарзда қурашмоқчи. «Минглаб литр сув беқорга оқиб кетаяпти», деди у.

Айрим экспертларнинг прогнози ўта тушунч: келажакда қурғоқчилик Италия худудининг 28 фоизини чўлга айлантириши мумкин. Қолаверса, қурғоқчилик мамлакат иқтисодийида муҳим ўринга эга қишлоқ хўжалиги, биринчи навбатда, виночилик соҳасига салбий таъсир кўрсатиши эҳтимолдан холи эмас.

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, дунё мамлакатларида ичимлик суви захираларини эҳтиёт қилиш, улардан оқилона фойдаланиш долзарб масала ҳисобланади. Зеро, бугунги кунда дунё аҳолисининг обихаётдан бирдек баҳра олишига эришиш энг устувор вазифалар сирасига киради.

Ривоят қилишларича, бир бадавлат кишидан сўрашибди:

— Сахрода кетаётганда егулик туғаб, оч қолсангиз, шунда сизга кимдир дуч келиб, нон берса, унга нима берган бўлардингиз?

— Бойлигимнинг ярмини.
— Сахрода ичишга сувингиз қолмаган бўлса, учраган одам сизга ташналигини қондириш учун сув берса, бунинг эвазига нима ҳада қилардингиз?

— Бойлигимнинг барини берардим.
Мана, шу ривоятдан ҳам сув бебаҳо неъмат эканини англаш қийин эмас. Табиатда муқобили йўқ неъмат ҳисобланган сув ўрнини унинг узидан бошқа ҳеч нарса боса олмайди.

Шундай экан, келажакда нархи олтиндан қиммат бўлиши кутилаётган обихаёт — сувнинг ҳар бир томчисини тежаб-тергаб ишлашти ҳар биримизнинг бурчимизга айланиши лозим.

Суюндик МАМНРОВ, «Adolat» мухбири

МАКТАБ ФОРМАСИ: ЖОЗИБАДОР ВА ҲАМЁНБОП-МИ?

Янги ўқув йили олтидан ота-оналар фарзанди учун мактаб формаси харид қилади.

2022-2023 ўқув йилида давлат умумий ўрта таълим муассасаларида таҳсил олувчи 6 миллион 620 минг ўқувчининг формага бўлган эҳтиёжи мавжудлиги аниқланди. Улар учун 500 дан ортиқ ишлаб чиқариш корхоналари таллаб олинди.

Ҳисоб-китобларга кўра, аниқланган 400 мингдан ортиқ эҳтиёжманд оилалар фарзандлари учун мактаб формалари маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари, шунингдек, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари” жамғармалари маблаглари ҳисобидан сотиб олинади. Мактаб формаси сифати “Узстандарт” агентлиги томонидан назоратга олинади. Либос намуналари “Узтўқимачиликсаноат” уюшмаси ва Халқ таълими вазирлиги томонидан илғор дизайнерлар жалб қилинган ҳолда ишлаб чиқилди. Шунингдек, формаларнинг ўқувчилар учун қанчалик қулайлиги ва чидамлилиги инобатга олинади.

Яқинда Халқ таълими вазирлиги ва “Узтўқимачиликсаноат” уюшмаси билан ҳамкорликда умумтаълим муассасалари ўқувчилари учун замонавий ягона мактаб формасини тайёрлаш оид жараёнлар билан таъминлаш мақсадида Наманган вилоятига пресс-тур ташкил этилди.

Иштирокчилар Наманган шаҳридаги “Даштбоғ” маҳалласида барпо этилган кичик саноат зонаси худудига жойлашган “Mustaf Sevin” ҳамда “Saxiy Mirzo tekstil” масъулияти чекланган жамиятлари фаолияти билан яқиндан танишишди.

Корхоналарда тадбиркорлар томонидан мактаб формаларининг белгиланган стандартлар асосида тайёрланиши, матолар сифати, бичими, ранги, тикилиш услублари, мактаб формаларининг турли ёш, бўй ва вазнага эга ўқувчиларга мослиги юзасидан батафсил маълумотлар тақдим этилди.

“Узтўқимачиликсаноат” уюшмаси масъулларининг таъкидлашича, республикада таҳсил олувчи 6 миллион 620 минг ўқувчининг ягона мактаб формаси билан тўлиқ таъминлашида муаммо бўлмайди. Улар маҳаллий ва Хитойдан олиб келинган мато ва керакли деталлар билан таъминланган.

— Мактаб формаларининг дизайнларини яратишда иштирок этганман, — дейди “Узтўқимачиликсаноат” уюшмаси бўлими бошлиғи Камола Ғуломова. — Бу борада ташкил этилган конкурсларда Ўзбекистон бўйлаб мингага яқин корхоналар ўз дизайнлари билан иштирок этган. 50 га яқин дизайн орасидан 10 га яқин ажратиб олиниб, тажриба-синовдан ўтказилган. Кейин ота-оналарнинг фикрларига асосан бир хил қўриқовдаги мактаб формаси таллаб олинган. “Узтўқимачиликсаноат” уюшмаси томонидан республикадаги ишлаб чиқариш корхоналари қуввати ўрганиб чиқилган. Айни вақтда мазкур тикувчилик марказларида мактаб формаларини тайёрлаш ишлари белгиланган тартиб ва стандартлар асосида олиб боришмоқда. Шунинг билан эшитиш лозимки, мактаб формаларига қўйиладиган талаблар мавжуд. Аввало, форма учун таллаб олинадиган мато таркиби 65-70 фоиз тоза пахтадан ташкил топган бўлиши керак.



Баҳорги — қўзғи

Қишқи

Мактаб формасининг белгиланган стандартларга, санитария қоидалари ва гигиена нормативларига мувофиқ сифатли тўқимачилик маҳсулотларидан тайёрланиши устидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, “Узстандарт” агентлиги, “Узтўқимачиликсаноат” уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги назорат ўрнатади.

Шунингдек, 2022 йил 10 августдан ҳар бир туман ва шаҳарда мактаб формаси ишлаб чиқарувчиларнинг савдо шохобчалари ташкил этилади.

КУЛИБ БОҚ! Агар ўтириб олиб, одамларнинг сенга қилган ёмонликларини эслайверсанг, ҳатто энг яқинларингга нисбатан ҳам меҳринг қолмайди. Яхшиси, кўзингни юмгин-да, уларнинг хатоларига бепарво бўлиб, унуттишга ҳаракат қил... Сен асло улар қилган тубанликни қилма, уларга кулиб боқ! Ана шунда ҳаёт билан курашган ҳисобланасан...

Ҳикмат

ADOLAT SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI Muassis: «Adolat» СДП Сийёсий Кенгаши

Бош муҳаррир: Ислом ХАМРОЕВ Таҳрир хайъати: Баҳром АБДУҲАЛИМОВ Наримон УМАРОВ Мухаммад АЛИ Гавхар АЛИМОВА Мухаррам ДАДАХОДЖАЕВА Қодир ЖўРАЕВ

Бўлимлар: Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 71 288-46-54 (149); 71 288-42-14 (144); 71 288-42-12 (132); Кабулхона — 71 288-42-12 (141) факс; Реклама бўлими — 71 288-42-14 (132); 90 900-72-15 Масьул котиб — Абдугани Соликов Навбатчи муҳаррир — Саодат Раҳимова

1995 йил 22 февралдан чика бошлаган info@adolatgz.uz adolatgz-95@mail.ru ISSN 2091-5217 9 772 011 521 004 9 1 2 3 4 5 6

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми — 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г — 700 НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100 Адади — 1334 Боснига топширилди вақти — 22.30 Боснига топширилди — 23.10 Баҳоис келишилган нархда Таҳририятга келган қўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. «Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Қорхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.